ИНҚИЛОБИЙ ҚАЙТА ҚУРИШИМИЗ — УЛУҒ ОКТЯБРЬ ИШИНИНГ ДАВОМИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Қишлоқ ҲАҚИҚАТИ

1988 йил 5 ноябрь
ШАНБА
№ 254 (4.453).

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади ◆ Баҳоси 3 тийин.

ТАБАРРУК КУН

Бундан 71 йил муқаддам — 1917 йил октябрида Россия ишчилар синфи камбағал деҳқонлар билан иттифоқлиқда ҳамда В. И. Ленин бошчилигидаги Коммунистик партия раҳбарлигида инсоният тарихида биринчи бўлиб социалистик революцияни амалга оширди. Большевиклар буржуазия ва помешчиклар ҳокимиятини ағдариб ташлаш, совет социалистик давлатини барпо этишни ўз олдиларига бош мақсад қилиб қўйган эдилар. Бу мақсадга эришмоқ учун капитализмнинг асосий зиддиятларн мустаҳкам тугунларини типка-пора қилиш, пролетариат диктатурасини ўрнатиш, ишлаб чиқариш воситаларига бўлган хусусий мулкчиликни, инсонни инсон томонидан эзишни, иқтисодий кризислар ва ишсизликни, миллий зулмни, қишлоқда эса феодализм қолдиқларини тугатиш лозим эди. Партия социализмнинг асосий принципи: «Ҳар кимдан — қобилиятига яраша, ҳар кимга — меҳнатига яраша» бўлиши керак деб эълон қилди.

Мамлакатимиз ҳали ҳеч ким юриб ўтмаган номаълум йўлдан бориб, гражданлар уруши ва Улуғ Ватан уруши туфайли рўй берган вайроналикларни бошидан кечирди, қийинчиликларни мардонавор енгиб ўтди ҳамда жуда қисқа тарихий вақт мобайнида улуғвор ютуқларга эришди. Улуғ Октябрь тенгдошлари, айниқса унинг иштирокчилари ҳаммаси нималардан бошланганини яхши эслашади. Жуда оғир шароитларда яшаш ва кураш олиб боришга, завод ва фабрикаларни, колхоз ва совхозларни оёққа турғазишга, қариб ялписига саводсиз халқнинг маданиятини кўтаришга тўғри келди. Ҳатто гитлерчилар фашизми тор-мор этилганидан кейин туғилган кишилар ҳам ўша давр қийинчиликларини ҳеч қачон ёдидан чиқармайдилар. «Ильич чироқлари» ҳали ҳамма хонадонларни ҳам ёритмас, нон, кийим-кечак етишмасди.

Шуларнинг ҳаммасини унутиб бўладими!! Дунёда биринчи социалистик мамлакат одамлари йўлда учраган ҳамма тўсиқларни енгиб ўтдилар, ўз порлоқ келажакларини яратдилар. Давлат тепасида сиёсий авантюрачилар ҳукмронлик қилган, шахсга сиғиниш авжига минган, раҳбарликнинг маъмурий-буйруқбозлик усулларига зўр берилган кезларда ҳам халқимизнинг ватанпарварлик ҳаракати сусайгани йўқ.

Улуғ Октябрь Ватанимизнинг ҳозирги ишларида давом этмоқда. 1985 йил апрелидан кейин мамлакатимизда социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш юзасидан ўз кўламига кўра беқиёс, моҳияти жиҳатидан инқилобий ишлар авж олдириб юборилди. Биз уни лўнда қилиб «қайта қуриш» деб атамоқдамиз. Ҳа, ижтимоий ҳаётимизнинг ҳамма соҳалари янгиланмоқда.

Партия ишлаб чиққан сиёсий йўл совет халқи манфаатлари ва хоҳиш-иродасини тўла-тўкис ифодалайди. КПСС XXVII съезди, Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси қарорларида қўллаб-қувватланган ҳамда мустаҳкамланган бу йўл энг аввало халқимизнинг фаровонлигини оширишга, ижтимоий ҳаётни ва ишлаб чиқаришни демократиялашга, ошкоралиқни ривожлантиришга қаратилган.

Партия, касаба союз, комсомол ташкилотларининг, совет ва хўжалик органларининг фаолияти янги мазмун билан бойимоқда. Бюрократизм, кўзбўямачилик, дабдабабозлик ва рапортбозликка қарши қаттиқ кураш бошлаб юборилди. М. С. Горбачев Москва ва Москва области ёшлари билан учрашув чоғида шундай деди: «Бугунги кунда, тарих ҳақида фикр юритаётган пайтимизда — бу эса тарихга яна бир бор назар ташлаш мумкин бўлган қулай фурсатдир— биз нималар содир бўлганлигини тушуниб етиш, совет кишиларининг барча авлодлари қандай яшаганлигини, улар қандай меҳнат қилганини, нимага ишонганини англаб олиш учун шундай қиламиз. Совет кишилари эришган ютуқлар ва жасоратга баҳо бериш, уларнинг мардлиги, сабот-матонати ва берган қурбонларини тушуниб етиш ҳамда уларни зарур даражада қадрлаш учун шундай қиламиз, ўйлайманки, бу тарихга, бизнинг тарихимизга бирдан-бир тўғри, ҳаққоний, ҳалол ёндашувдир ва бундай ёндашув келгусида бизга куч бағишлайди, революция идеалларига ва биз бугунги кунда ана шу революцияни давом эттириб амалга ошираётган ишларимизга ишончни мустаҳкамлайди».

Келгуси авлодлар қайта қуришнинг ҳозирги босқичини фаол ҳаракатлар даври, социализм имкониятларини амалда рўёбга чиқаришга қатъиятлик билан ўтиш даври деб баҳолаганлар ажаб эмас. Биз эса ана шундай баҳога муносиб бўлмоғимиз лозим. Ҳа, ҳаммамиз ва ҳар биримиз қайта қуриш жабҳасининг содиқ жангчиларига айланайлик.

Муаммолар ва камчиликлар эса қалашиб ётибди. Совет жамияти ҳаётида ҳукм сурган турғунлик йилларининг иллатлари ҳамон ўзини сездириб қўймоқда. Аммо бутун мамлакатимиз бўйлаб янгиланишнинг ҳузурбахш шабадаси эсяпти, иқтисодий ва сиёсий ислоҳот амалга оширилмоқда. Одамлар ўзларини ҳаётнинг ҳақиқий хўжайинлари деб ҳис эта бошладилар.

Партия салбий ҳолатларга қарши муросасиз кураш эълон қилди, социалистик ахлоқ нормаларини бузган, коммунист деган қўлтиғ ва юксак номга доғ туширган кимсалар орамиздан суриб ташланаяпти. Шуни ҳам айтиш керакки, қайта қуриш жараёнида кўпдан-кўп қийинчиликларни енгиб ўтишга, янгиланиш, демократиялаш ва ошкораликкка тўсиқ бўлаётганлар билан астойдил курашишга тўғри келмоқда. Шундай экан, ҳозирги пайтда — партия ташкилотларида ҳисоботсайлов давом этаётган кезларда — омма орасида ишлашнинг шакл ва усулларини синчковлик билан таҳлил этиш, ҳар бир партия комитети фаолиятини такомиллаштиришнинг аниқ йўл-йўриқларини белгилаб олиш жуда муҳимдир. Уларнинг фаолиятига холисона баҳо берадиган битта мезон бор, у ҳам бўлса қайта қуриш вазифаларини ҳал этишга ким қанча ҳисса қўшаётганлигидир.

Ўзбекистон коммунистлари, барча меҳнаткашлари салбий ҳолатларни бартараф этиш ва социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш йўлига қатъий амал қилган ҳолда Улуғ Октябрьнинг 71 йиллиги байрамига бирмунча дуруст натижалар билан келдилар, Республика Статистика давлат комитети маълумотларига қараганда, 1988 йилнинг январь—сентябрь ойларида ҳосил қилинган миллий даромад ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 10,3 процент ўсган.

Республика пахтакорлари 5 миллион тоннадан кўпроқ оқ олтин йиғиб-териб олиб, Улуғ Октябрь байрамига ажойиб совға ҳозирладилар. Ўтган йилнинг шу давридагига қараганда анча кўп сабзавот, мева, узум харид қилинди, шунингдек барча тоифадаги хўжаликлар бўйича чорвачилик маҳсулотларини давлат томонидан харид қилиш ҳажми ўсди.

Айни пайтда янги хўжалик механизми афзалликларидан ҳозирча тўлиқ фойдаланилмаётгани, ижтимоий ишлаб чиқаришни барқарор ривожлантиришга эришилмаганини ҳам таъкидлаб ўтиш керак. Миллий даромад белгиланганига қараганда паст суръатлар билан ўсмоқда.

Тараққиётимизга тўсиқ бўлаётган омиллардан, қайта қуришга қаршилик кўрсатаётган кишилардан қанча тезроқ қутулсак, шунча яхши. Бизнинг революцион давримизда рўй бераётган чуқур, баъзан эса кутилмаган ўзгаришлар янгиликнинг эскилик билан муросасиз кураши негизида амалга ошаётганлигини унутмаслигимиз керак. Ўтмишни, бугунги кунни аниқ билиш, келажакни илмий асосда башорат қилиш олға томон муваффақиятли ҳаракатимиз учун гаров бўлиб хизмат қилади. Бу Улуғ Октябрдан бошланган инқилобий янгиланиш йўлидир.

Бўка районидаги Ильич номли колхоз пахтакорлари 1.050 гектар майдондан баракали хирмон кўтардилар. Давлатга 3 минг тоннадан зиёд оқ олтин сотилди. Ҳосил ҳашарчиларсиз, асосан машиналарда саранжомланди олинди. Колхоз хирмонига Ю. Бойимбетов бошлиқ бригада аъзолари ҳам муносиб ҳисса қўшишди. Коллектив 77 гектар ернинг ҳар гектаридан 33 центнердан пахта етиштирди.

СУРАТДА: илғор бригада бошлиғи Юсуф Бойимбетов (ўнгда) ва моҳир механизатор Раҳмат Исмандиёров.

А. МАЛЬЦЕВ фотоси.

ХИРМОНГА БАРАКА!

Пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 4 ноябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент)

Областлар	Бир кунда	Мавсум бошидан	Шу жумладан машинада терилгани: Бир кунда	Мавсум бошидан
БУХОРО	0,70	108,70	0,80	88,05
ТОШКЕНТ	0,31	108,34	0,21	110,78
ХОРАЗМ	0,37	107,73	0,49	68,50
ҚАШҚАДАРЁ	0,41	103,94	0,38	111,63
ҚҚАССР	0,65	98,62	0,30	93,37
Сирдарё	0,60	97,06	0,51	106,93
Сурхондарё	0,84	97,05	0,28	91,52
Фарғона	0,75	93,46	0,18	41,59
Наманган	0,81	93,32	0,52	67,18
Самарқанд	1,15	85,42	0,82	81,47
Андижон	0,70	73,04	0,29	29,63
Республика бўйича:	0,68	96,02	0,43	82,89
Шу жумладан ингичка толали пахта				
САМАРҚАНД	2,86	113,74	4,70	109,37
СУРХОНДАРЁ	1,00	111,11	0,53	170,45
ҚАШҚАДАРЁ	0,76	107,24	0,55	151,65
Наманган	1,04	97,50	—	—
Бухоро	0,24	15,50	0,60	9,30
Республика бўйича:	0,93	105,16	0,59	159,08

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ С. П. ШАМСИЕВАГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЖУРНАЛИСТ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Матбуотда, партия ва комсомол органларида кўп йил самарали ишлаганлиги, ўзбек совет журналистикасини ривожлантиришга катта ҳисса қўшганлиги учун Ўзбекистон ССР Журналистлар союзининг аъзоси ўртоқ Саодат Полвоновна Шамсиевага «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган журналист» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари

А. РОМАНОВСКИЙ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари

Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри,
1988 йил 4 ноябрь.

НЕФТЬ ҚАЗИБ ЧИҚАРИШ ОРТМОҚДА

«Андижаннефть» бошқармасининг Жанубий Оламушук нефть кони йил бошидан бери истеъмолчиларга пландан ташқари 310 тонна нефть жўнатди. Бу эса соцналистик мажбуриятдаги топшириқдан икки баравардан ҳам кўпдир. Бу муваффақиятга мастерлардан Расул Хотамов ва Арслон Эргашев бригадалари муносиб ҳисса қўшдилар.

Якка-якка мусобақада уларнинг ҳамкасблари — нефть қазиб чиқариш операторлари Нурмат Холиқов ва Қўлдош Салимбоев олдинда бормоқдалар. Улар 15 тадан қудуққа аъло хизмат кўрсатиб, ишнинг бир дақиқа ҳам тўхтаб қолишига йўл қўймадилар. Ҳар иккови ҳам техник жиҳатдан саводли кишилар бўлиб, уларнинг маҳсулотлари ҳамиша юқори сифатли категорияда қабул қилинмоқда. Тошкент политехника институтини тамомлаб келган технолог Людмила Чалахсаева эса Эргашев бригадасига сентябрь ойида мусобақа ғолиби бўлишга ёрдам берди. Бунинг учун коллектив кўчма Қизил байроқ ва пул мукофотини қўлга киритди.

Нефтчилар янги техникани муваффақиятли қўлланмоқдалар. Масалан, улар қувур ичларини ва қудуқларни ювиш учун янги агрегат ўзлаштирдилар. 26-қудуқ яхши ишламоқда. Бу ерда кўкламги ремонтдан кейин нефть фонтан бўлиб отилиб чиқмоқда. Эндликда яна бир янги, 59-қудуқ маҳсулот бера бошлайди. Кончилар бир-бирлари билан мусобақалашиб, технология режимига ким яхшироқ риоя қилишини, кимнинг маҳсулоти тозароқ ва яхши сифат билан чиқаётганлигини текшириб бормоқдалар. Улар йил охиригача пландан ташқари яна 150 тонна нефть қазиб чиқаришмоқчи.

Дўстона суҳбат

4 ноябрь куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Д. Д. Берков Ҳиндистон республикасининг Тошкентдаги бош консули Погендра Кумарни унинг илтимосига биноан қабул қилди. Улар ўртасида дўстона суҳбат бўлиб ўтди.

(ЎзТАГ).

Область Советининг сессияси

Халқ депутатлари область Советининг Андижонда бўлиб ўтган сессиясида ташкилий масала кўриб чиқилди.

Область агросаноат комитети раисининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлаган Э. Р. Раҳимов Андижон область ижроия комитетининг раиси этиб сайланди.

Сессияда «СССР халқ депутатлари сайлови ҳақидаги қонун лойиҳаси тўғрисида ва Конституцияга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги Қонун лойиҳаси тўғрисида»ги масала ҳам кўриб чиқилди.

(ЎзТАГ).

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси 3 ноябрь куни бўлиб ўтган мажлисида давлат, хўжалик қурилиши ва халқаро ҳаётнинг бир қанча масалаларини муҳокама қилди.

XIX партия конференцияси ва Марказий Комитетнинг 1988 йил июль пленуми йўл-йўриқларига биноан ишлаб чиқилаётган суд ислоҳоти тўғрисидаги Қонун актларининг лойиҳалари хусусидаги ишларнинг бориши батафсил кўриб чиқилди. Мажлисда айтиб ўтилганидек, қонунчилик ва социал адолатни қарор топтиришда, гражданлар ҳуқуқларини ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишда судлар ролининг оширилиши қайта қуриш вазифаларини ҳал этишда принципиал аҳамиятга эга бўлади ва социалистик ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг ажралмас шарти деб баҳоланиши керак. Судьялар ва халқ маслаҳатчилари ўз ваколатларини самарали амалга оширишлари учун уларга барча шарт-шароит таъминланиши, уларнинг мустақиллиги ва дахлсизлиги, суд фаолиятига қандайдир аралашувга йўл қўймаслик гарантиялаши зарурлигига алоҳида эътибор жалб этилди.

СССРда суд тузилиши тўғрисида ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикалар қонунлари асосларининг ҳамда «СССРда судьяларнинг статуси тўғрисида»ги қонунининг тайёрланаётган лойиҳалари СССР Олий Совети Президиумидадир ва улар мамлакат ҳокимияти олий органининг муҳокамасига тақдим этилади.

Мажлисда ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Польша Халқ Республикаси Министрлар Советининг раиси М. Раковский билан М. С. Горбачев учрашувларининг, Н. И. Рижков музокараларининг ва А. Н. Яковлев суҳбатларининг якунлари кўриб чиқилди. СССР ва ПХР раҳбарлари ўртасидаги доимий мулоқотлар иккала мамлакат ўз ривожланишининг мураккаб ва масъулиятли масалаларини ҳал этаётган ҳозирги пайтда айниқса муҳим эканлиги айтиб ўтилди. Совет—Польша ҳамкорлигини жўшқин ва кенг кўламда ривожлантиришга интилиш Совет Иттифоқи ва Польшанинг туб манфаатларига мос келади.

Марказий Комитет Сиёсий бюроси М. С. Горбачевнинг Чехословакия Компартияси Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, ЧССР ҳукуматининг раиси Л. Адамец билан учрашувлари ва Н. И. Рижков олиб борган музокаралар натижаларини муҳокама қилиб, фикрлашув СССР ва ЧССР халқ хўжалик комплексларининг янада тўлароқ ва чуқур ўзаро алоқалари тўғрисида, иккала мамлакат ўртасида меҳнатни тақсимлашнинг янги формаларини ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратиш ҳақида муҳим аҳдлашувларга эришиш имконини берганлигини мамнуният билан таъкидлади.

ПХР ва ЧССР билан ҳар томонлама ҳамкорликнинг конкрет вазифалари юзасидан идоралар ва ташкилотларнинг коммунист раҳбарларига топшириқлар берилди.

Сиёсий бюро М. С. Горбачевнинг ГФР федерал канцлери Г. Коль билан олиб борган музокаралари, шунингдек Н. И. Рижков, Э. А. Шеварднадзе, А. Н. Яковлев, Д. Т. Язовнинг Ғарбий Германия давлат арбоблари ва мазкур мамлакатнинг савдо-саноат доиралари вакиллари билан бўлиб ўтган суҳбатлари якунларини маъқуллади. Музокаралар ва суҳбатлар СССР билан ГФР ўртасида ҳар томонлама ҳамжиҳатликни чуқурлаштириш катта аҳамиятга эга бўлганлигини, иккала мамлакат ўртага қўйган вазифани — Совет—Ғарбий Германия муносабатларида янги боб очиш вазифасини рўёбга чиқаришга қўшилган катта ҳисса бўлганлигини тасдиқлади. Ана шу мақсадга эришиш ГФРнинг социалистик мамлакатлар билан Москва шартномаси ва бошқа шартномаларда, Ғарбий Берлинга оид тўрт томонлама битимда, Хельсинки якунловчи актида мустаҳкамланган Европадаги мавжуд территориал-сиёсий реалликлар ҳурмат қилинишини тақозо этади.

Турли соҳаларда, шу жумладан экономика соҳасида тенглик ва ўзаро манфаатдорлик принциплари асосида Совет —Ғарбий Германия ҳамкорлигини янада ривожлантиришнинг катта имкониятлари мавжудлиги визитнинг амалий натижаларга бойлигини тасдиқлайди. М. С. Горбачевнинг ГФРга бўлажак визити ГФР билан муносабатлардаги ижобий тенденцияларни мустаҳкамлаш, уларга янги жўшқинлик ва кўлам бахш этиш имконини беради, деб ишонч билдирилди.

Мажлис давомида М. С. Горбачевнинг МПЛА Меҳнат партиясининг раиси, Ангола Халқ Республикаси президенти Ж. Э. душ Сантуш билан учрашуви якунлари кўриб чиқилди. Ангол халқи прогрессив йўлни танлаб олганлиги, унинг ўз мамлакати мустақиллиги ва суверенитетини ҳимоя қилиш йўлидаги кураши билан бирдамлик тасдиқланди. Совет Иттифоқи Африка жанубигарбидаги вазиятни Ангола хавфсизлигини таъминлаш ва Намибияга мустақиллик берилиши асосида сиёсий бартараф этиш тўғрисидаги музокаралар тезроқ тугалланишини ёқлаб чиқаётганлиги таъкидланди.

Варшава шартномасида қатнашувчи давлатлар ташқи ишлар министрлари комитетининг 28—29 октябрь кунлари Будапештда бўлиб ўтган мажлиси якунлари тўғрисида Э. А. Шеварднадзенинг ахбороти тингланди. Мажлис ташқи сиёсатга оид энг муҳим проблемалар юзасидан иттифоқчи давлатлар позицияларининг бирлигини, халқаро ишларда ижобий тенденцияларни мустаҳкамлашга ва ривожлантиришга фаол кўмаклашишга тайёрликни яна бир бор тасдиқлади. Будапештда қабул қилинган Европада ишонч ва хавфсизликни ҳамда қуролсизланишни мустаҳкамлаш тадбирлари тўғрисидаги баёнотнинг ғоят муҳимлиги таъкидланди. Мазкур баёнот қуролли кучлар ва оддий қуролларни қисқартиришга оид музокаралар тўғрисида сиёсий маслаҳат комитети Варшава кенгашининг баёноти билан узвий боғлиқ равишда Варшава шартномасида қатнашувчи давлатларнинг ана шу масалалар юзасидан бўлажак музокаралар ва ёндашувларини тўлдиради ва ривожлантиради.

АГРОСАНОАТ КОМПЛЕКСИ УСТУН ДАРАЖАДА РИВОЖЛАНТИРИЛСИН

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА КЕНГАШ

2 ноябрь куни КПСС Марказий Комитетида марказий органларнинг, министрлик ва идораларнинг раҳбарлари билан ўтказилган кенгашда партия ва ҳукуматнинг аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашни яхшилашга, социал-иқтисодий тараққиётни ва мамлакатнинг агросаноат комплексида фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга оид қарорлари қайта қуришнинг биринчи галдаги, долзарб вазифаси сифатида қандай бажарилаётгани кўриб чиқилганлиги илгари хабар қилинган эди.

Кенгашни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг раиси М. С. Горбачев кириш нутқи сўзлаб очди. У бундай деди:

Бугунги суҳбатимиз — агросанот комплексини ривожлантириш соҳасидаги ишимизнинг давомидир. Бунинг икки йўналиши бор. Бир томондан — КПСС Марказий Комитети пленумига қўйиладиган масалалар пухтароқ ўйлаб кўрилади. У ердаги гап ҳар жиҳатдан — жорий муаммоларни кўриб чиқиш жиҳатидан ҳам, истиқболга мўлжалланган сиёсатни ишлаб чиқиш жиҳатидан ҳам жуда жиддий бўлиши керак. Иккинчи томондан, ҳозир биз конкрет иш билан тобора кўпроқ ва кўпроқ шуғулланишимиз ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Ҳозир оғирлик марказини қабул этилган қарорларни бажаришга кўчириш лозим. Акс ҳолда биз илгари ҳам бир неча бор тушиб қолган аҳволга дучор бўламиз. Агар қарорларга қараб фикр юритиладиган бўлса, улар ҳамиша етарли бўлган, эҳтимолки, ҳатто ортиқча ҳам бўлган. Уларни амалга ошириш соҳасидаги иш эса етарли бўлмаган. Бунинг устига ҳозир бу иш ҳам экономикадаги, ҳам сиёсий жараёндаги кўпгина ёндашувларимизни обдон қайта қуриб чиқиш билан боғланган. Бу ўринда ҳам ҳаммамиз янада зўр ғайрат билан ишлашимиз керак. Бу эса Марказий Комитетдан ҳам, ҳукуматдан ҳам, ҳаммамиздан — марказий органларнинг, министрликлар ва идораларнинг раҳбарларидан кўп куч талаб қилади. Буни тушуниб олишингизни сўрайман.

Биздаги ҳамма муаммолар орасида аграр сектор, озиқ-овқат таъминоти муаммоси энг долзарб, айтиш мумкинки, навбатдан ташқари муаммодир. Агар биз ҳозир истеъмолчининг дастурхонига йилига 80 килограмм гўшт қўйганимизда эди, таъминотнинг қолган ҳамма муаммолари бу қадар ўткир бўлиб турмаган бўлур эди. Масалан, бизда сут истеъмол қилиш Америкадагидан анча юқори. Аммо гўштнинг етишмаслиги сутга, сутдан тайёрланадиган ҳамма маҳсулотларга, бошқа масалларга бўлган талабни оширади. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, гўшт маҳсулотининг танқислиги бутун мамлакатни ташвишга солаётган масаладир.

Озиқ-овқат масаласи — бутун мамлакатга, бутун халқ хўжалигига, унинг ҳамма тармоқларига тааллуқли масаладир. Яна ўша гўштни олиб кўрайлик. Уни етиштириш учун ем-хашак керак. Ем-хашак қаердан олинади? У ҳосилдан олинади. Ҳосил

(Давоми 3-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

1 ноябрь куни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Президиуми министрликлар ва идораларнинг, иттифоққа бўйсунувчи бирлашмалар ва корхоналарнинг раҳбарлари иштирокида республика халқ хўжалиги тармоқларида иқтисодий ишнинг аҳволини, шунингдек шу йилги планлар бажарилишини ва 1989 йилга шартномалар тузишни таъминлаш билан боғлиқ тадбирларни кўриб чиқди. В. А. Антонов, Э. Т. Турсунов, Э. А. Таймазов, Ў. Р. Умарбеков, Н. А. Хуранов, Г. Г. Исаев, К. П. Дудин, Ю. Н. Артемов, Б. А. Пискунов мазкур масала юзасидан ҳисобот бердилар.

Мажлисда 1988 йилда республикада корхоналар ва ташкилотларнинг ярмидан кўпроғи тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи пул билан таъминлаш шароитида ишлаганлиги айтиб ўтилди. Амалдаги молиявий соғломлаштириш программаси самара бера бошлади, муайян молиявий кўрсаткичларнинг яхшиланиш тенденцияси кўзга ташланди. Маҳсулот етказиб берувчиларга банк ссудалари ва счетлар бўйича муддати кечиктирилган тўловлар умумий ҳажми қисқарди. Зарар кўриб ишлаётган корхоналар ва хўжаликлар сони камайди.

Шу билан бирга иқтисодий ишнинг аҳволини батафсил таҳлил этиш бирлашмалар ва корхоналар раҳбарлари хўжалик юритишнинг янги методларини жорий этиш соҳасида зўр ғайрат ва аниқ мақсадни кўзлаб иш олиб борганларида эришилган натижалар янада салмоқли бўлиши мумкинлигини кўрсатди. Бир қанча тармоқларда хўжасизлик ва исрофгарчиликка қарши қониқарсиз кураш олиб борилмоқда, маҳсулот ишлаб чиқаришга тааллуқли бўлмаган, ортиқча харажатлар, зарарлар ва моддий-техника ресурсларининг нобуд бўлиши, сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқариш юқорилигича қолмоқда. Натижада шу йил 1 октябригача республикада зарар кўриб ишлаётган ва паст рентабелли 772 та саноат корхонаси, қурилиш ташкилоти, совхоз ва маданият муассасаси бор. Ўзбекистон ССР Агросаноат давлат комитетида, Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитетида, республика Маданият министрлигида, Енгил саноат министрлигида, Маиший хизмат кўрсатиш министрлигида, Савдо министрлигида, Мелиорация ва сув хўжалиги давлат комитетида, Қурилиш давлат комитетида айниқса бундай коллективлар кўп. Мана шу муаммоларни ҳал этишда Ўзбекистон ССР Молия министрлиги, республика банклари, Ўзбекистон ССР Госплани, республика Давлат нарх комитетининг актив позицияси ҳамиша ҳам таъминланмаяпти.

Буларнинг ҳаммаси республика халқ хўжалигининг молиявий аҳволига шубҳасиз салбий таъсир кўрсатмоқда, унинг барча тармоқлари тўла хўжалик ҳисоби, ўзини ўзи пул билан таъминлаш ва ўз харажатларини ўзи қоплашга барқарор ўтишига тўсқинлик қилмоқда. Шу муносабат билан мажлисда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосарлари И. Ҳ. Жўрабеков, К. Х. Муҳаммадалиев, В. В. Сударенков, Ўзбекистон ССР молия министри И. И. Маматисаев ва республика Госснаби раиси Т. Я. Шариповларнинг кўрилаётган чоралар тўғрисидаги ахборотлари тингланди.

Президиум қабул қилинган қарорда министрликлар, идоралар, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари, Тошкент шаҳар ижроия комитети, иттифоққа бўйсунувчи бирлашмалар ва корхоналарнинг раҳбарлари зиммасига зарар кўриб ишлаётган ва кам рентабелли корхоналар, ташкилотлар, хўжаликлар, муассасалар ишини қисқа муддатда пухта ўрганиб чиқиш ва асосан 1988 йилнинг охиригача зарар кўриб ишлашга барҳам бериш юзасидан конкрет тадбирларни амалга ошириш вазифасини юклади. Зарар кўриб ишлашни бартараф этишга қодир бўлмаган корхоналар ва ташкилотлар рўйхатини аниқлаш ҳамда меҳнат коллективларининг фикрини ҳисобга олган ҳолда давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги СССР қонунига биноан ана шу корхоналар ва бирлашмаларни тугатиш тўғрисида матбуотда эълон қилиш вазифаси топширилди.

Мажлисда 1989 йилга шартномалар тузишнинг аҳволи танқидий таҳлил этилди. Айрим корхоналарда илгаригидек кўрсатмаларни кутишмоқда, зарур омилкорлик ва ташаббускорлик кўрсатилмаяпти, хўжалик шартномаси кампаниясини ўтказишда масъулиятсизлик ва интизомсизликка йўл қўйилмоқда. Ўзбекистон ССР Агросаноат давлат комитети, республика Госстройи системасида, СССР Электротехника саноати министрлиги корхоналарида, Самарқанд лифтсозлик заводи ва Тошкент экскаватор заводида бу ишнинг даражаси ҳамон пастлигича қолмоқда.

Республика министрликлари ва идораларига, иттифоққа бўйсунувчи бирлашмалар ва корхоналарга 1989 йилда маҳсулот ва товарлар етказиб бериш юзасидан шартномалар тузиш ишларини ниҳоясига етказиш учун қўшимча ташкилий чоралар кўриш, идораларга қарашли корхоналарга маҳсулот етказиб берувчилар билан истеъмолчилар ўртасида узоқ муддатли хўжалик алоқаларининг шаклланиши, пировард натижада 1989 йил ва умуман беш йиллик планларининг муваффақиятли бажарилиши билан боғлиқ бўлган масалаларни амалга оширишда ёрдам бериш вазифаси топширилди.

Корхона ёки хўжалик экономикаси кўп жиҳатдан моддий ресурсларга қай даражада оқилона муносабатда бўлинаётганлигига боғлиқ эканлиги ҳаммага маълум. Буни ҳамма тушунади, бироқ ҳамма жойда ҳам қаттиқ иқтисод ва тежамкорлик режими таъминланаяпти, деб бўлмайди. Масалан, темир-терсак ва қора, рангли металлар чиқитларини тайёрлаш масалаларини олиб кўрайлик. Тўққиз ой якунларига кўра, ана шу маҳсулотларни тайёрлаш планлари умуман республикада барбод этилди. Самарқанд ва Сирдарё областлари, Ўзбекистон ССР Госстройининг қурилиш бўлинмалари, Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти ва йўл хўжалиги министрлигининг автомобиль корхоналари, СССР Химия саноати министрлиги, Қишлоқ хўжалиги ва трактор машинасозлиги министрлиги, Электротехника саноати ва энергетика машинасозлиги министрлигининг корхоналари бу ишга «алоҳида ҳисса» қўшдилар. Социалистик мусобақа якунларига кўра 1988 йилнинг учинчи кварталида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг кўчма Қизил байроғи берилмаганлиги табиийдир.

Корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг омборларида йиллаб фойдаланилмаётган ва уларнинг молиявий аҳволига ва рентабеллигига жиддий таъсир кўрсатаётган қўплаб товар-материал бойликлар, жумладан, нормадан ортиқ шундай маҳсулотлар тўпланиб қолганлиги айтиб ўтилди. Айни вақтда қўшимча равишда хом ашё, материал ва ускуналар ажратиш тўғрисида асоссиз илтимос қилишдан иборат яроқсиз практикага чек қўйилмаяпти.

Ўзбекистон ССР министрликлари ва идораларига, халқ депутатлари Советлари ижроия комитетларига кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш, корхоналар ва ташкилотларнинг ортиқча ва фойдаланилмаётган хом ашё, ускуна ва бошқа буюмларини реализация қилиш юзасидан Ўзбекистон ССР Госснаби 15 — 18 ноябрда ўтказадиган ярмаркада актив қатнашишини таъминлаш таклиф этилди. Шу йил декабрь ойида Ўзбекистон ССР Министрлар Советида темир-терсак топшириш плани бажарилишини таъминламаётган Ўзбекистон ССР министрликлари, идоралари, халқ депутатлари Советлари ижроия комитетлари, корхоналар ва бирлашмалар раҳбарларининг ҳисоботларини тинглаш зарур деб топилди.

Ўртоқлар! КПСС XXVII съезди ва Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси қарорларини амалга оширайлик! Революцион қайта қуришга муқаррар тус берайлик!

(КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОКТЯБРЬ ЧАҚИРИҚЛАРИДАН).

Наманган районидаги Оржоникидзе номли колхоз чорвадорлари Октябрь байрамини муносиб меҳнат ютуқлари билан кутиб олдилар. Давлатга сут топшириш ўн ойлик плани ортиғи билан бажарилди. Сигирсоғарлар социалистик мусобақани қизғин давом эттириб, партия конференцияси йилида ҳар сигирдан камида уч минг килограммдан сут соғиб олишга ҳаракат қилишмоқда.

СУРАТДА: сўз ва шахсий ибрати билан ҳамкасбларини олға ундаётган илғор чорвадорлар — М. Машраббоева, Х. Алиқулова ва А. Жўраева.

В. МОЛГАЧЕВ фотоси.

Меҳнат зафарлари

ШАҲРИСАБЗ

Энгельс номли колхоз чорвадорлари етиштирган сут 1.091 тоннага етди. Йиллик план муддатидан илгари бажарилди. Бунга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Холиқул Муҳаммадиев бошқарувчилик қилаётган ферма коллективи салмоқли улуш қўшди. Моллар маҳсулдорлигини оширишборасидаги мусобақада Ойбаҳор Бобоёрова, Мавлуда Хўжамова, Назира Раҳимова ва Сайёра Камолова каби сигирсоғарлар алоҳида намуна кўрсатишди.

Қ. НУРАЛИЕВ.

ЗОМИН

Хўжалик тарихида биринчи марта қорамолчиликдан фойда олаётган «Зомин» совхози маъмурчилик бунёдкорлари 710 тонна сут етиштириб, йиллик планни ошириб бажардилар. Улар йил охиригача яна 100 тонна маҳсулот ишлаб чиқаришга қарор қилишди. Ҳар бош говмишдан 2.800—2.900 килограммдан сут соғиб олган Зурахол Султонова, Назира Ўтанова каби сигирсоғарлар мусобақанинг олдинги сафида боришаяпти. Чорвадорлар қишловни муваффақиятли бошлаб юборишди. Улар наслчиликни тубдан яхшилаб, мавжуд озуқа ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳисобига тармоқ даромадини янада оширишмоқчи.

М. ЕҚУБОВА.

ЯККАБОҒ

Қабул пунктларига 350 тонна серқаймоқ сут етказиб берган «Правда» колхози чорвадорлари йиллик плани адо этишди. Эришилган ғалабада Султоной Салимова, Ҳурматой Салимова, Гулсара Даминова, Хурсанд Тиловова каби сигирсоғарлар, Жавли Орипов, Мейлиқул Иброҳимов ва Раҳмат Оролов сингари молбоқарларнинг улуши салмоқли бўлди. Йил якунигача ялпи маҳсулотни 400 тоннага етказиш учун кураш давом этмоқда.

А. КАРИМОВ.

Амалдаги интернационализм

МАРИЯНИНГ БАХТИ

Мария опа иссиқдан юзлари лов-лов ёниб тандирдан нон узаётганида кенжа қизи Дилафрўз шошиб кириб келди.

— Суюнчи беринг! Холамдан хат келди!

Опа қизини эркалаб ўпиб қўйди-да, қўлидан рапидасини ечди. Қувониб, кўк конвертнинг адресига кўз югуртирди.

«Андижон область, Комсомолобод район, «Ленинчи» совхозининг Холдевонбек қишлоғи. Ҳакимова Марияга.

Белоруссия, Могилев области, Глусск район, Мислотино қишлоғи. Валентина Макаревичдан».

«Салом, эл ичида қадрини топган опам. Соғ-саломат юрибсизларми? Поччам, жияларим қалай? Ўзбек йигити Акбарали ака билан турмуш қурганингга ҳам роппароса 25 йил тўлибди.

Дастлаб, сизларнинг тиниб-тинчиб кетишингларга кўпчилик ишонмаганди. Сен у пайтда қишлоғимиздан унча олис бўлмаган Бобруйск шаҳридаги ўрта мактабда ишлардинг. Акбарали ака эса шаҳардаги ҳарбий қисмда ўзининг йигитлик бурчини ўтарди. Ғалаба байрами арафасида мактабда уч авлод вакиллари учрашуви бўлгани, ўша куни ўзбек солдати билан танишиб қолганингни ҳаяжон билан гапириб бергандинг.

Бултур сен келин бўлиб тушган қишлоққа меҳмонга бордик. Қўшниларингникида ҳовли тўйи ўтказилаётган экан. Сен маҳалла аёллари билан қандай дастурхон тузаш ҳақида баҳслашаётган экансан. Дабдурустдан сени таниб олмадим. Эгнингдаги ял-ял атлас қадди-бастингга жуда ярашиб турарди. Махси-ковушни айтмайсанми!

Маҳалла комитетининг раиси Қодирали ака Усмонов ҳайрон туриб қолганини кўриб:

— Тааҳжубланманг. Опангиз Марияни биз Марямхон деб чақирамиз. Маҳалладаги ҳеч бир тўй-маъракасиз унинг иштирокисиз ўтмайди. Жонкуяр педагог сифатида ҳам ҳурмати баланд. Бу оилага барчанинг ҳаваси келади.

Ҳа, сен қишлоғингдаги 3-мактабда Ленин тилидан сабоқ бераяпсан. Сендан таълим олган шогирдларинг — Мўътабархон Кимсанова, Олияхон Матқуловалар олий ўқув юртларини битириб келиб, сен билан елкама-елка меҳнат қилишаяпти. Менимча, мураббий учун бундан ортиқ бахт бўлмаса керак

Умр — оқар дарё, деганлари чин экан. Мана, неварали бўлганингга ҳам тўрт йилдан ошди. Тўнғич қизинг Жамила уч фарзандли бўлди. Қизинг Зулфия эса тиришқоқлиги, уй юмушларини саришта қилиб бажариш, ҳозиржавоблиқда сендан қолишмайди. Айтгандай, Зулфия Бўз педагогика билим юртида таҳсил кўраётганди. Ўқишлари яхши кетаяптими? Зумрад, Акмал, Дилафрўзалар ҳам бағрингни тўлдириб юришгандир?

Мария, эслайсанми, янги келин бўлиб тушган пайтингда ўзбек тилини ўрганишда қийналаётганлигингни ёзгандинг. Қайнонанг — Чўлпонхон ая Саидова ажойиб аёл экан. Тилни, миллий расм-русумларни ўрганишингда бу бағри кенг, дилкаш аёлнинг хизматлари катта. У доимо кўнглингни кўтарди, ўзга юртдан эканлигингни билдирмади.

Айрим одамлар борки, ўз тақдиридан нолиб, пешонаси шўрлигидан ҳасрат қилишга одатланишган. Ўшалар даврасида бўлсам, сен эришган тўкис бахт ҳақида қикоя қилгим келади. Сен бўлсанг, тақдирга минг бора шукрона айтсанг ярашади, Мария! Ёстиқдошинг Акбарали ака, қайнонанг Чўлпонхон ая, қайнотанг Ҳаким боболарнинг ҳурматини жойига қўйсанг, бир умрга кам бўлмайсан! Омадлисан. Армонинг йўқ.

Тўғри, Акбарали аканинг ташвишлари кўп. Айниқса ҳозир. Негаки, у пахта қабул қилиш пунктининг мудири. Ўзининг айтишига қараганда, бу йил 5,5 минг тонна пахтани қабул қиларкан. Бу — осон иш эмас.

Хўп, Мария, оиланг билан омон бўл. Сен бахтли ўзбек оиласининг ажойиб бекасисан. Орамиздаги масофа қанчалик узоқ бўлмасин, меҳр оқибатимиз йўқолмаса бас. Вақт топиб дийдор кўришиб турамиз.

Сени соғиниб қолувчи, синглинг: Валентина».

Мария опанинг томоғига бир нарса тиқилгандай бўлди. Ўзи туғилиб ўсган қишлоқ, шундай қўл узатса етадигандек ўрмоннинг, қўзиқоринларнинг ҳидини туйгандай энгикди. Бир муддат ёноқларини иссиқ кўз ёшлар ювди.

Бу севинч ёшлари эди...

Ҳ. РУСТАМОВ.

ХОЛИС НИЯТ УШАЛДИ

Қўрғ Октябрь райони меҳнаткашлари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 71 йиллигини ёруғ юз, муносиб туҳфалар билан кутиб олмоқдалар. Пахтакорлар Сирдарё областида илғорлар қаторида планни бажардилар. Район партия комитетининг биринчи секретари **Муқим ҲАСАНОВ** чўлқуварлар эришган меҳнат зафари хусусида мухбиримизга телефон орқали шуларни гапириб берди:

— Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси йили районимиз пахтакорлари учун қутлуғ келди. Она-Ватан хазинасига қисқа муддатда 36.500 тоннадан зиёд оқ олтин ҳадя этилиб, йиллик топшириқ муваффақиятли уддаланди. Бу деҳқонларимиз эрта баҳордан то ҳозирга қадар амалга оширган фидокорона, ҳалол меҳнатининг, катта ташкилотчилик ва тадбиркорлик кўрсатиб ишлашнинг, юксак уюшқоқлик ва ҳамжиҳатлигининг самараси, албатта.

Район партия комитети хўжаликларда йиғим-теримни тез ва соз ўтказиш, социалистик мусобақани жонли, ошкора ташкил этиш, даладаги ҳосилни нобудгарчиликсиз саранжомлаб олиш юзасидан белгиланган тадбирларнинг бажарилишини қаттиқ кузатиб турди. Мавсумга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрилган жойларда иш қўйилдагидек бўрди. Йиғим-теримда айниқса коммунист ва комсомолларнинг, халқ депутатларининг авангардлиги оширилди. Уларнинг аксарияти ҳал қилувчи участкаларда ишладилар. Жойларда 72 та мувақкат партия, 9 та партия-комсомол группалари ташкил қилинди. Уларга бирлашган коммунист ва комсомоллар айниқса шижоат кўрсатдилар.

Эришилган ютуқда «Уч қаҳрамон» совхози чўлқуварларининг муносиб улушлари бор. Хўжалик аҳли районда биринчи бўлиб ғалаба рапортига имзо чекканди. Бугунга қадар планга қўшимча равишда 300 тонна хом ашё тайёрланиб, ялпи хирмон салмоғи 7.300 тоннага етди. Охунбобоев номли, Собир Раҳимов номли совхозларнинг азаматлари ҳам манзилга илғорлар қаторида етиб келдилар. Бу хўжаликларда пландан ташқари 400—500 тоннадан пахта саранжомлаб олинди. Айни кунларда эса Ҳамид Олимжон номли ва Тимирязев номли совхозлар зафар маррасини эгаллашди.

Бу йилги мавсумнинг олдингиларидан фарқи кўп. Жумладан зангори кемаларни унумли ишлатишда катта ишлар қилинди. Оқ олтиннинг 32,5 минг тоннадан зиёди агрегатлар бункеридан тўкилди. Мавжуд 345 та машинанинг ҳар бири ёрдамида ўртача 95 тонна дурдона саранжомланди. Собир Раҳимов номли совхоз механизаторлари бошқаларга ўрнак кўрсатдилар. Улар жами тайёрланган пахтанинг 98 процентини пўлат этаклардан бўшатдилар. Ҳар бир зангори кеманинг унумдорлиги ўрта ҳисобда 110 тоннани ташкил этди. Хўжаликда етиштирилган ҳосил ҳашарчиларсиз йиғиштириб олинди.

Мавсумда моҳир дала гвардиячилари етишиб чиқдилар. Охунбобоев номли совхоздан А. Абдуманнопов бункердан 290 тонна оқ олтин бўшатиб, барчага намуна бўлди. Собир Раҳимов номли совхоздан Холмурод Аҳмедов, Абдурасул Шералиев, Файзулла Хўжаев номли совхоздан Х. Қурдошев, «Уч қаҳрамон» совхозидан Турғиш Ҳасанов ва бошқа суворийлар 160—200 тоннадан хирмон уйдилар.

Хўжаликларда илғорлар тажрибаси, замонавий иш усуллари кенг жорий этилди. Бултур районда 445 та бригада, 54 та бўлим мавжуд эди. Улар ўрнига 72 та йириклаштирилган бригада тузилди. Шунинг ҳисобига бир миллион сўм иқтисод қилинди. Йириклаштирилган бригадаларнинг ҳаммаси пудрат усулида иш юритди.

Файзулла Хўжаев номли совхозидан Мамадиёр Нуралиев, Умрзоқ Нурбоев, Охунбобоев номли совхозидан Совурбой Комилов, Ширинбой Ражабов, Собир Раҳимов номли совхозидан Карим Ражабов, Ҳабиб Жуманов, «Уч қаҳрамон» совхозидан Файзулла Назарқосимов бошлиқ бригадалар ҳозиргача гектаридан 34—35 центнердан чўл дурдонаси йиғиштириб олдилар.

Жорий мавсумнинг яна бир жиҳати шуки, пахтакорлар ҳосилни иложи борича ўзлари саранжомлашга интилдилар. Бу теримга жалб этиладиган ёрдамчилар сонини ҳар йилгидан кескин қисқартириш имконини берди. Агар бултур 14 минг ҳашарчи олинган бўлса, бу йил уларнинг сони 2 мингтадан ошмади. Айрим хўжаликларимиз четдан бironта ҳам ёрдамчи олмади.

Районимиз меҳнаткашлари Улуғ Октябрь байрамини муносиб туҳфалар билан кутиб олмоқдалар. Йилнинг қолган давридан бўлғуси ҳосил учун мустаҳкам замин ҳозирлашда фойдаланамиз. Шубҳасиз келгусида янада юксак марралар кўзланади. Уларни забт этиш бугунги ҳаракатимизга боғлиқ. Шунинг учун даладаги ҳосилни тўла-тўкис саранжомлаш билан бирга кузги-қишки тадбирларни кўрмоқдамиз.

Шерободлик пахтакорлар бу йил Сурхондарё областида биринчи бўлиб планни бажаришганди. Улар мавсум мусобақасида ҳамон пешқадам. Бугунгача эл хирмонига топширилган оқ олтин 60.300 тоннадан ошиб кетди. Бунда «Гулистон» ва В. Қодиров номли совхозлар азаматларининг ҳам муносиб улушлари бор.

СУРАТЛАРДА: 1. «Гулистон» совхозининг илғор бригадаси бошлиғи коммунист Нурмат Хўжаназаров (чапда) ва моҳир механизатор Қулсоат Олтибоев пахтазорда. 2. В. Қодиров номли совхознинг механик-ҳайдовчиси Абдураҳим Музрабов. У машина бункеридан 120 тонна дурдона тўкди.

А. АШИРОВ фотолари.

Сиз юқоридаги суратда Ворошилов районидаги «Шўрўзак» совхозининг кўпмингкилограммчи теримчиси Анзират Жўраеванй кўриб турибсиз. У 4-бўлимнинг 2-бригадаси далаларида етиштирилган ҳосилни териб олишда фаол иштирок этмоқда. Мавсум бошидан бери уйган хирмони 7 тоннадан ошди.

«Джизакхлеб» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ходимлари опа-сингил Зарифа ва Дилшода Эргашевалар (пастдаги сурат) ишдан бўш вақтларида Жиззах шаҳри хўжаликларида пахта термоқдалар. Бу серҳиммат ёрдамчилар ҳозиргача хирмонга 1,5—2 тоннадан дурдона тўкдилар.

П. ЭРГАШЕВ ва Ш. ТЎРАЕВ фотолари.

ПОЛЬШАГА САФАР

ТАЖРИБА ЎРГАНДИК

Жарқўрғон районидаги Норали Боймуродов номли колхоз правленнеси раиси, Бутуниттифоқ колхозлар кенгаши президиумининг аъзоси Ж. Н. Норалиев делегация составида Польша Халқ Республикасида сафарда бўлди. Журналист М. Маматқулов Ж. Н. Норалиевдан ўз таассуротлари тўғрисида сўзлаб беришни сўраб, бир неча савол билан мурожаат қилди.

— Жўра Норалиевич, аввало поляклар диёрига сафардан нўзда тутилган мақсад ҳақида тўхталсангиз!

— Биз бу юртга қишлоқ хўжалиги соҳасида иш тажрибалари билан танишиш ниятида ташриф буюрган эдик. Сафар давомида Познань, Ополье, Ярослев воевода (область)ларида бўлдик.

— Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши, уни юритишнинг ўзига хос хусусиятлари ва афзалликларини нималарда кўрдингиз!

— Мамлакат умумий экин майдонларининг 78 процентн якка хўжаликлар, 18 процентн давлат-кооператив хўжаликлари, 4 процентн эса тўгаракларга ҳиссасига тўғри келади. Буғдой, қанд лавлаги, маккажўхори, картошка — асосий қишлоқ хўжалик экинлари бўлиб, улардан юқори ҳосил олинади.

Якка хўжаликларда ҳар гектар майдондан 80 центнердан буғдой, 350 центнергача картошка, 600 центнергача қанд лавлаги, 80 центнердан макка дони олинади. Улар асосий чорва моллари учун озуқа сифатида етиштирилади. Аҳоли истеъмоли учун буғдой четдан олиб келинар экан. Бизнинг шароитда эса буғдой ҳосилдорлиги 45, маккажўхори дони 55 центнердан ошмаяпти.

Қишлоқ хўжалиги тўгаракларига 2 гектаргача ер бириктилган бўлиб, асосан от ёрдамида ишлов берилади. Якка хўжаликлар эса ўз куч ва имкониятига қараб 100 гектаргача ер майдонида деҳқончилик қилишади, бу ерларни давлатдан ҳосилдорлик даражасига қараб сотиб олишади. Уз навбатида деҳқон ерни давлатга қайта сотиши ҳам мумкин.

Ҳар учала сектор учун ҳам юқоридан план белгиланмаслиги, масалан, қанд лавлагини сотиш учун заводлар, қайта ишлаш кооперативлари билан шартнома тузилиши поляк деҳқонларининг ютуғи бўлиб, бу ишлаб чиқариш эркинлигини таъминлашга хизмат қилди.

— Агар шартнома бажарилмай қолса-чи!

— Бу мумкин эмас. Башарти шундай бўлса, бошқа хўжаликдан сотиб олинса-да, маҳсулот топширишаркан.

Гўшт, сут, тухум етиштириш ва бу маҳсулотлар билан аҳолини таъминлаш муаммоси ҳал қилинган. Якка хўжаликларда ҳар бош соғин сигирдан 6 минг литрдан 11 минг литргача сут соғиб олинишини айтишди. Ҳар бир хўжаликнинг ўзида чорва маҳсулотини қайта ишлаш корхонаси бор. Ана шундай кооперативлар ҳам бўлиб, улар шартнома асосида маҳсулотни қайта ишлайди.

Давлат хўжаликларида 8 ёшгача бўлган ҳар бир болага кунига 0,5 литрдан, ундан катта ёшдагиларга 1,5 литрдан бепул сут берилиши йўлга қўйилган. Бу ибратли тажрибани кўриб, дўстлардан анча орқада қолганлигимизни ҳис қилдик. Чунки бизда ҳатто мактаб, боғча болаларини сут билан тўла таъминлаш масаласи ҳал бўлмаган.

Польша деҳқонлари ҳам, чорвадорлари ҳам уларни майда-чуйда кўрсаткичлар қизиқтирмаслигини, фақат харажатлар ва даромадлар асосида иш тутишларини айтишди.

— Маориф, маданият, медицина соҳаларидан олган таассуротларингиз ҳақида ҳам гапирсангиз!

— Мактабларда саккиз йиллик мажбурий бепул таълим жорий қилинган. Шундан сўнг битирувчи ҳунар-техника мактабида касб-кор ўрганиши шарт экан. Кейин хоҳласа олий ўқув юртида ўқиши ёки ихтиослиги бўйича ишлаши мумкин. Қисқаси, ҳар бир ёш сўзсиз бирон-бир мутахассисликни эгаллаши зарур.

Медицина хизмати ҳам бепул. Қишлоқ хонадонларидаги маданият, тартиб-озодаликдан, йўлларнинг равонлигидан намуна олса арзийди. Ўғирлик йўқ. Негаки, аҳолининг асосий қисми ишлаб чиқариш билан банд, бошқарув аппаратларида ортиқча одам бўлмайди.

— Хуллас, бизда қардош мамлакатнинг қайси тажрибасидан фойдаланишни муҳим, деб биласиз!

— Пудрат усулида ишлаётган оилавий звено, бригада ва фермаларда яхши натижаларга эришилмоқда. Биз улар тажрибасини оммалаштиришимиз, ташкилий ишлардаги муаммоларни кечиктирмай ҳал қилишимиз зарур. Менимча, бошқарув аппаратларидаги ходимлар сони энг кам даражага келтирилмагунча оилавий пудратчи, ижарачи коллективлар манфаатдорлиги улар истаганчалик юқори бўлиши мушкул.

— Бизда етиштирилган маҳсулотнинг анчагина қисми истеъмолчига етгунча нобуд бўлаётгани сир эмас. Бу борада Польша мисолида нима дея оласиз!

— Жуда ўринли савол. Бизда деҳқон хўжаликлари тугул, кўпинча колхоз, совхозлар ҳам ўз маҳсулотларини топширишда қийинчиликларга дуч келмоқдалар. Йўлда маҳсулотнинг бир қисми истеъмол учун яроқсиз ҳолга келмоқда. Польшада мева-сабзавот хўжаликларнинг ўзида қайта ишланади ёки тузилган шартномага кўра маҳсулотни кооперативлар, давлат корхоналари даланинг ўзидан олиб кетадилар. Бизда бу ҳақда қанча гапирилмасин, амалий ишга ўтилмаяпти.

Ҳеч монеликсиз, хўжаликларимизда консерва, шарбатлар ишлаб чиқарадиган корхона ва цехлар қурилиши лозим. Ҳеч кечиктирмай агрокомбинатлар ташкил этиш керак.

Аҳоли ўз шахсий хўжалигида, пудратга олган ерида етиштирган олма, анор, узум, қовун-тарвуз, сабзавот маҳсулотларини топшириш учун қимматли иш вақтини йўқотиб, транспорт қидириш, тайёрлов идораси, кооператив савдо дўконларига қатнаш билан овора. Бу борада тузилган шартномалар фақат хўжакўрсин учун бўлиб, шахсий хўжаликлар ноз-неъматларни кўпайтиришга қизиқишмаяпти. Бу аҳоли сони ўсаётган бир пайтда бозорда, савдо дўконларида мева, сабзавотларнинг қимматлашувига олиб келаяпти.

Бу борадаги камчиликларга барҳам бериш учун польшаликлар тажрибаси асосида, шунингдек, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XI пленумида таъкидланганидек, барча аҳоли пунктларида доимий ишлайдиган ва мавсумий кўчма харид-қабул пунктлари, шахсий хўжаликларни юритиш учун саноат товарларини сотадиган магазинларнинг кенг тармоғини ташкил этиш зарур.

Шунингдек, соҳибкор, сабзавоткор деҳқонларга хўжаликлар томонидан ерга ишлов беришда, етиштирилган маҳсулотни йиғиб-териб олишда ёрдам берилса, энг муҳим социал-иқтисодий масала бўлган Озиқ-овқат программасини ҳал этишнинг энг қисқа йўли — оилавий звено, бригада, ферма пудратини, ижарачиликни ривожлантириш учун кенг уфқ очилган бўларди.

АГРОСАНОАТ КОМПЛЕКСИ УСТУН ДАРАЖАДА РИВОЖЛАНТИРИЛСИН

(Боши 1-бетда).

қаердан пайдо бўлади? Ҳосилни етиштириш ва йиғиштириб олиш учун ўғит ва янги технология керак, машиналарнинг системалари керак, кадрлар керак, одамларни қизиқтириш керак ва бошқа кўп нарса керак. Мана шу масалаларнинг ҳаммаси ҳал этилиши лозим.

Марказий Комитетда аввал бўлиб ўтган учрашувда биз инсон ҳақиқатан ҳам меҳнат натижаларидан манфаатдор бўлиши, кўпроқ ва сифатлироқ маҳсулот етиштириши учун қишлоқдаги иқтисодий муносабатларни қайта қуриш ҳақида маҳаллий ходимлар билан гаплашган эдик. Биз бу жараённи илгари силжитаверамиз. Яқин вақт ичида бу мавзуда республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг, ўлка ва область партия комитетларининг биринчи секретарлари билан суҳбатлашамиз.

Бироқ, ўртоқлар, тегишли моддий-техникавий база бўлмаса, замонавий технологиялар бўлмаса, маҳсулотни қайта ишлаш ва асраш яхши йўлга қўйилмаса, кўнгилдагидек натижаларга эришиб бўлмайди. Бунинг маъноси шуки, биз мана шу соҳаларнинг ҳаммасида қабул этган қарорларимиз негизида аниқравшан, конкрет тарзда жуда кучли иш олиб боришимиз керак. Кўпгина қарорлар ўлда-жўлда қолиб бажарилмай ётганлиги, кемтиладётганлиги, кечроқ муддатларга суриб юборилаётганлиги бизни жуда ташвишга солмоқда. Эски одат яна кўриниб қолмоқда: таъбир жоиз бўлса, қамчилаб турилгандагина ишлаяпмиз. Келинглар, мана шу яроқсиз услубдан воз кечайлик.

Механизациялаш, химиялаш, қурилиш, қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган идораларимизни алоҳида кўрсатиб ўтмоқ керак. «Мудофаачиларимиз» ишга яхши киришдилар. Кўпгина мароқли режаларни туздилар, ҳозирнинг ўзидаёқ баъзи ишларни қилдилар, аммо асосий иш олдинда турибди. Ҳамманинг олдида айтаман: қишлоқ хўжалиги ва бутун аграр сектор объектларини, озиқ-овқат муаммосини ҳал этишга бизни яқинлаштирадиган ҳамма объектларни чўзиш, орқага суриш ярамайди. Эҳтимол, муҳим бўлса ҳам бошқа бирон нарсани четроққа суриб қўйишга тўғри келар. Аммо озиқ-овқат масаласини қандай қилиб бўлмасин, ҳал этиш керак. Бу ишни жўн тушунманглар. Ҳозир бу ички сиёсатнинг энг бош масаласидир.

Келинглар, фикрлашувимизни шундай уюштирайлик: иш қандай бораётганини, нималар қилинганини, нималар қилинмаганини, у ёки бу ишни қандай қилиб тузатиб олиш лозимлигини айтасизлар.

Муҳокама қилинаётган масала юзасидан Сиёсий бюро вакили кандидат, СССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари, СССР Госплани раиси **Ю. Д. Маслюков** ахборот берди.

Нотиқ экономиканинг агросаноат секторида рўй бераётган ижобий силжишларни таърифлаб, озиқ-овқат етиштириш ва ишлаб чиқаришни кўпайтириш суръатлари мутлақо етарли эмаслигини таъкидлади. Ҳозирги силжишлар аҳоли жон бошига озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолини кўпайтиришга тузукроқ таъсир қилмаяпти, чунки озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтиришнинг анчагина қисми аҳолининг кўпайиши билан боғлиқ бўлган эҳтиёжларни қоплашга ишлатилмоқда. Жойларда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш имкониятларидан тўла-тўкис фойдаланилмаяпти.

Докладчи қайта ишлаш саноатини ривожлантиришни асосий резервлар жумласига киритди. Бу соҳада нобудгарчилик ҳали ҳам кўп. Масалан, ҳар йили 1 миллион тоннага яқин гўшт ёки бутун мамлакатда етиштирилаётган гўштнинг қарийб 10 проценти нобуд бўлмоқда. Сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга тааллуқли чора-тадбирлар сусткашлик билан амалга оширилмоқда. Деҳқончилик маҳсулотини етиштириш ва қайта ишлашда катта камчиликлар бор. Саноат, қурилиш, транспорт корхоналари ҳамда бошқа корхона ва муассасаларнинг ёрдамчи қишлоқ хўжаликлари, гражданларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликлари, коллектив боғдорчилик ва қолизчилик имкониятларидан ҳам тўла-тўкис фойдаланилмаяпти.

Инвестиция ва структура сиёсатидаги хатолар — озиқ-овқат етиштириш секинлик билан кўпайиб бораётганлигининг сабабларидан биридир. Шу хатолар агросаноат комплекси тармоқларининг моддий-техника базаси нокомплекс тарзда барпо этилишига олиб келди, қишлоқ хўжалик маҳсулотини кўпайтириш билан уни қайта ишлаш қувватлари ўртасида мувозанат бўлмади. Саноатнинг қайта ишлаш тармоқларини ҳамда маҳсулотни асраш, ташиш базасини ривожлантиришга эътибор берилмади. Қишлоқ хўжалигига ва агросаноат комплексининг бошқача тармоқларига сарфланган катта маблағлар дуруст самара бермаяпти.

Ўн иккинчи беш йилликда агросаноат комплексидаги инвестиция сиёсатида катта ўзгаришлар қилиш, жумладан, қайта ишлаш тармоқларини ривожлантиришга капитал маблағларни кўпайтириш белгилаб қўйилди. Афсуски, бу тармоқларда силжиш ҳаддан ташқари суст бораяпти, деди сўзини давом эттириб нотиқ. Гап шундаки, беш йилликнинг дастлабки йилларида ажратилган маблағлардан самарали фойдаланиш учун тузукроқ чоратадбирлар кўрилмади. Ишларнинг аҳволи 1988 йилда ҳам ўзгаргани йўқ. 9 ой мобайнида 420 миллион сўм капитал маблағ ўзлаштирилмай қолди. Қайта ишлаш корхоналарининг қурилиши норматив муддатлардан икки-уч баравар узайиб кетиши одат тусига кириб қолди.

Госпланнинг фикрича, Агросаноат давлат комитети, қурилиш комплекси, дон маҳсулотлари министрлиги қайта ишлаш саноатининг ишга туширилиши лозим бўлган корхоналарини қуриш учун лойиҳа-смета ҳужжатларини жуда қисқа муддатда узил-кесил тайёрлашлари, қурилиш-монтаж ташкилотларининг қувватларини, моддий ва меҳнат ресурсларини шу қурилишларга жамлашлари керак. Қайта ишлаш саноатининг ҳамма объектлари давлат буюртмасига киритилиши зарур. Аҳолининг озиқ-овқат таъминотини яхшилаш учун қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишлайдиган, асрайдиган ва ташийдиган бутун индустрияни техника билан қайта қуроллантириш ва чуқур реконструкция қилиш юзасидан энг зарур чора-тадбирлар кўрилиши керак, деди нотиқ. Узоқ вақт давомида бу муаммо қониқарсиз ҳал этиб келинди.

Асбоб-ускуна масаласи — бош масаладир. Асбоб-ускунага бўлган эҳтиёжнинг анчагина қисми импорт ҳисобига қондириб келинди. Ана шундай шароитда КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети сдатдан ташқари чоралар кўрдилар, бу асбоб-ускуналарни ишлаб чиқаришни мудофаа тармоқларига топширдилар. Аниқ-равшак топшириқлар белгиланди. Бироқ бир қанча министрликлар қайта ишлаш саноатининг замонавий моддий-техника базасини барпо этиш муаммосини ҳал қилиш аҳамиятига етарли баҳо бермаяптилар. Мудофаа саноати министрлиги, Авиация саноати министрлиги ва Ўрта машинасозлик министрлиги асбоб-ускуналар етказиб бериш соҳасидаги бир қанча буюртмаларни 1989 йилда ижро этиш учун қабул қилмадилар.

СССР Агросаноат давлат комитети янги машиналар ва асбоб-ускуна комплектларини яратиш учун асосий талабларни тайёрлаш ва машинасозлик министрликларига топшириш соҳасидаги ишга чинакамига киришгани йўқ.

Мудофаа саноати тармоқларида тайёрланган кўпгина турдаги асбоб-ускуналарга ҳаддан ташқари юқори нархлар қўйилаётганлиги ҳақида ҳам гапирмоқ керак. Бу эса мазкур машина-ускуналарга талаб камайишига олиб келиши табиий.

Аммо нотиқ СССР Госплани ҳам Озиқ-овқат программасининг топшириқларини бажариш юзасидан саноат министрликлари ва идораларининг ишини амалий контроль қилмаётганини тан олди.

Ҳозир ишлаб чиқариш-иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш, меҳнатга қизиқтирувчи омилларни ошириш биринчи ўринга чиқиб қолди.

Ишлаб чиқариш муаммоларига эътиборнинг кучайиши қишлоқдаги социал муаммолар ўткирлигининг пасайишини асло билдирмайди. Бу муаммолар ҳал этилмаса, бошқа ҳамма куч-ғайратлар дуруст натижа бермайди. Аммо уй-жой биноларини, мактабгача тарбия муассасаларини, клублар, амбулаторияларни, коммунал хўжалик объектларини ишга тушириш юзасидан озиқ-овқат программасида белгиланган топшириқлар бажарилмаяпти.

Кейинги вақтларда озиқ-овқат фондини вужудга келтириш принципи кескин ўзгарди. Республикалар, ўлкалар, областларга иттифоқ ва республика фондларига маҳсулот етказиб беришнинг беш йиллик учун қатъий топшириқлари белгиланмоқда. Шу ҳажмлардан ортиқча етиштирилган ҳамма маҳсулот ўз жойида ички истеъмол учун қолдирилади. Бу эса маҳаллий органларга катта имконият берди, озиқ-овқат маҳсулотларини кўпроқ етиштиришдан, унинг сақланишини таъминлашдан, сифатини оширишдан манфаатдорлик вужудга келди.

Пировардида Ю. Д. Маслюков СССР Олий Советининг сессияси яқиндагина қабул этган 1989 йилги Давлат плани кўрсаткичларига тўхталиб ўтди, бу планда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, ахолининг овқатланишини яхшилаш, агросаноат комплексининг моддий-техникавий базасини мустаҳкамлаш юзасидан катта тадбирлар белгиланганини айтди.

СССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари, мамлакат Агросаноат давлат комитетининг раиси **В. С. Мураховский**га сўз берилади. Озиқ-овқат таъминотидаги аҳволнинг қийинлиги кўп жиҳатдан техника таъминоти даражаси билан изоҳланади. Мана шу даража жуда паст, деб таъкидлади нотиқ. Агросаноат давлат комитети дон, айниқса ем бўладиган дон етиштиришда анчагина орқада қолмоқда. Биз Волга бўйи, Шимолий Кавказ, Украинанинг жанубидаги суғориладиган ерларда маккажўхори етиштиришни икки-уч ҳисса кўпайтириш ҳисобигагина бу камчиликнинг ўрнини қоплашимиз мумкин. Бунинг учун маккажўхорининг интенсив гибридлари керак. Бироқ, афсуски, биз уларни чет эллардан сотиб олаяпмиз. Нотиқ қишлоқ хўжалик фани пул билан етарли равишда таъминланмаётганлиги масалаларини кўтарди. Унинг фикрича, бу соҳадаги ҳамма масалалар пухта ишлаб чиқилмаган. Бошқа бир муҳим масала ҳам бор: қишлоқ хўжалик фани хўжалик ҳисобига ўтди, шу сабабли масалани шу тарзда қўймоқ керакки, илмий ишланмаларни пул билан таъминлашда хўжаликлар ҳам қатнашадиган бўлсин.

1990 йилда 31 миллион тонна минерал ўғит ишлаб чиқарилиши лозим. Аммо бу рақамга эришиш шубҳа остида турибди. Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш министрлиги қувватларни оширмаяпти.

Машиналар системалари билан таъминлаш масаласи айниқса ўткир бўлиб турибди. Тўрт минг номдаги машина-механизмлар ўрнига икки мингтадан сал кўпроғи олинди. Бизда сабзавот, картошка етиштириш учун машиналар системаси йўқ. Машиналар ишлаб чиқариш тармоқнинг бир-икки корхонаси қўлига ўтиб қолганлиги айниқса ташвишлидир. Нотиқнинг фикрича, корхоналар ўртасида мусобақа бўлиши учун корхоналарни кичиклаштириш керак.

Агросаноат комплексида ёнилғи сарфи ҳали ҳам жуда кўп. Моторларнинг тежамли эмаслиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти кўп ҳажмда ташилиши, ўринсиз юк ташилиши мана шунга олиб келмоқда. Ҳозир колхоз ва совхозларда дон ва бошқа маҳсулотларнинг омборларини барпо этиш йўлидан борилмоқда, қайта ишлаш ҳам ўз жойида кенгайтирилади. Мана шу ва бошқа чора-тадбирлар ёнилғи сарфини анча қисқартириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имконини беради.

В. С. Мураховский агросаноат комплексининг қайта ишлаш тармоқларини ривожлантиришга тўхталиб, қурувчиларнинг айби билан кўп объектларнинг қурилиши чўзилиб кетаётганлигини, лойиҳа институтлари топшириқни ўз муддатида бажариб бермаётганликларини, асбоб-ускуналар бир маромда юборилмаётганини таъкидлаб ўтди.

СССР шарқий районларда қурилиш министри **А. А. Бабенко** қурувчилар олдида турган ўткир муаммолар ҳақида гапирди. Кўпгина объектлар, шу жумладан қайта ишлаш саноатининг объектлари лойиҳа-смета ҳужжатлари, асбоб-ускуналар билан ўз вақтида таъминланмаяпти. Мана шуларнинг ҳаммаси уларни ишга тушириш муддатларини барбод этмоқда, шошма-шошарликни келтириб чиқармоқда. Ишлар сифатсиз бажарилишига олиб бормоқда. Министрнинг фикрича, қурувчиларнинг бинокорлик материалларини етказиб берувчилар билан бевосита шартнома ўрнатишлари принципи кескин ўзгарди. Республикалар, ўлкалар, областларга иттифоқ ва республика фондларига маҳсулот етказиб беришнинг беш йиллик учун қатъий топшириқлари белгиланмоқда. Шу ҳажмлардан ортиқча етиштирилган ҳамма маҳсулот ўз жойида ички истеъмол учун қолдирилади. Бу эса маҳаллий органларга катта имконият берди, озиқ-овқат маҳсулотларини кўпроқ етиштиришдан, унинг сақланишини таъминлашдан, сифатини оширишдан манфаатдорлик вужудга келди.

Пировардида Ю. Д. Маслюков СССР Олий Советининг сессияси яқиндагина қабул этган 1989 йилги Давлат плани кўрсаткичларига тўхталиб ўтди, бу планда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, ахолининг овқатланишини яхшилаш, агросаноат комплексининг моддий-техникавий базасини мустаҳкамлаш юзасидан катта тадбирлар белгиланганини айтди.

СССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари, мамлакат Агросаноат давлат комитетининг раиси **В. С. Мураховский**га сўз берилади. Озиқ-овқат таъминотидаги аҳволнинг қийинлиги кўп жиҳатдан техника таъминоти даражаси билан изоҳланади. Мана шу даража жуда паст, деб таъкидлади нотиқ. Агросаноат давлат комитети дон, айниқса ем бўладиган дон етиштиришда анчагина орқада қолмоқда. Биз Волга бўйи, Шимолий Кавказ, Украинанинг жанубидаги суғориладиган ерларда маккажўхори етиштиришни икки-уч ҳисса кўпайтириш ҳисобигагина бу камчиликнинг ўрнини қоплашимиз мумкин. Бунинг учун маккажўхорининг интенсив гибридлари керак. Бироқ, афсуски, биз уларни чет эллардан сотиб олаяпмиз. Нотиқ қишлоқ хўжалик фани пул билан етарли равишда таъминланмаётганлиги масалаларини кўтарди. Унинг фикрича, бу соҳадаги ҳамма масалалар пухта ишлаб чиқилмаган. Бошқа бир муҳим масала ҳам бор: қишлоқ хўжалик фани хўжалик ҳисобига ўтди, шу сабабли масалани шу тарзда қўймоқ керакки, илмий ишланмаларни пул билан таъминлашда хўжаликлар ҳам қатнашадиган бўлсин.

1990 йилда 31 миллион тонна минерал ўғит ишлаб чиқарилиши лозим. Аммо бу рақамга эришиш шубҳа остида турибди. Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш министрлиги қувватларни оширмаяпти.

Машиналар системалари билан таъминлаш масаласи айниқса ўткир бўлиб турибди. Тўрт минг номдаги машина-механизмлар ўрнига икки мингтадан сал кўпроғи олинди. Бизда сабзавот, картошка етиштириш учун машиналар системаси йўқ. Машиналар ишлаб чиқариш тармоқнинг бир-икки корхонаси қўлига ўтиб қолганлиги айниқса ташвишлидир. Нотиқнинг фикрича, корхоналар ўртасида мусобақа бўлиши учун корхоналарни кичиклаштириш керак.

Агросаноат комплексида ёнилғи сарфи ҳали ҳам жуда кўп. Моторларнинг тежамли эмаслиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти кўп ҳажмда ташилиши, ўринсиз юк ташилиши мана шунга олиб келмоқда. Ҳозир колхоз ва совхозларда дон ва бошқа маҳсулотларнинг омборларини барпо этиш йўлидан борилмоқда, қайта ишлаш ҳам ўз жойида кенгайтирилади. Мана шу ва бошқа чора-тадбирлар ёнилғи сарфини анча қисқартириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имконини беради.

В. С. Мураховский агросаноат комплексининг қайта ишлаш тармоқларини ривожлантиришга тўхталиб, қурувчиларнинг айби билан кўп объектларнинг қурилиши чўзилиб кетаётганлигини, лойиҳа институтлари топшириқни ўз муддатида бажариб бермаётганликларини, асбоб-ускуналар бир маромда юборилмаётганини таъкидлаб ўтди.

СССР шарқий районларда қурилиш министри **А. А. Бабенко** қурувчилар олдида турган ўткир муаммолар ҳақида гапирди. Кўпгина объектлар, шу жумладан қайта ишлаш саноатининг объектлари лойиҳа-смета ҳужжатлари, асбоб-ускуналар билан ўз вақтида таъминланмаяпти. Мана шуларнинг ҳаммаси уларни ишга тушириш муддатларини барбод этмоқда, шошма-шошарликни келтириб чиқармоқда. Ишлар сифатсиз бажарилишига олиб бормоқда. Министрнинг фикрича, қурувчиларнинг бинокорлик материалларини етказиб берувчилар билан бевосита шартнома ўрнатишлари таъминотни яхшилашга кўмаклашган бўлур эди. Агросаноат комплекси объектлари қурилишини амалда устун қилиб қўйиш учун СССР Госплани, ниҳоят қурувчиларни зарур ресурслар билан таъминлаши лозим. Афсуски, ҳозир бундай бўлмаяпти. Министр шундай мисолни келтирди: 1989 йил плани транспорт воситалари билан бор-йўғи 60 процент миқдорда таъминланган.

СССР минерал ўғитлар ишлаб чиқариш министри **Н. М. Ольшанский** бундай деди: тармоқ корхоналари колхоз ва совхозларга имкони борича кўпроқ минерал, энг таңқис бўлган фосфорли ўғитлар етказиб беришга интилмоқда. Нотиқ маҳсулотнинг исроф бўлиши муаммосига тўхталиб, исрофгарчиликни тугатиш учун министрлик жойларда тармоқнинг капитал маблағи ҳисобидан суюқ ва сочма ўғитлар учун омборлар қуришга қарор берганини таъкидлади. Бироқ СССР Агросаноат давлат комитети бу муҳим ишни қўллаб-қувватламаяпти.

Министр ўғитлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун янги ишлаб чиқариш қувватлари секинлик билан ишга туширилаётганлиги ва ўзлаштирилаётганлигининг сабаблари ҳақида ҳам гапирди.

Биз, деб таъкидлади у, айрим маҳаллий партия ва совет органларининг қаршилигини бартараф этишга муваффақ бўлганимиз йўқ.

М. С. Горбачев. Ўртоқ Ольшанский! «Қаршиликни бартараф этиш» деган иборани эҳтиёт бўлиб ишлатиш керак. Мен Ставрополда ишлаган пайтларни эслайман. Биз ўз ишлаб чиқарувчи кучларимизни, гарчи одамлар бўлмаса ҳам, ишлайдиган киши топилмаса ҳам, экологик кескинлик вужудга келса ҳам, одатда министрлик белгилаган ерга жойлаштирар эдик. Иккинчиси. Қурилиш ташкилоти қаерда бўлса, қурилиш ҳам ўша ерда бўлиши одат тусига кириб қолган. Ишлаб чиқарувчи кучларни ана шундай жойлаштириб бўладими? Ишларни шундай юритиб бўладими, ахир?

Н. М. Ольшанский. Михаил Сергеевич, буларнинг ҳаммасини тушуниб турибмиз, бундан буён мазкур технологиялар асосида ривожланиш мумкин эмаслигини англаяпмиз. Биз ҳозирги экологик талабларга мос келадиган технологиялар тўғрисидагина гапираяпмиз.

Нотиқ маҳсулотни заводлардан ўз вақтида ташиб кетиш зарур, деган масалани қўйди.

СССР кўмир саноати министри **М. И. Шчадов** тармоқнинг ёрдамчи қишлоқ хўжаликларини ривожлантириш тўғрисида гапирганида 186 миллион сўмни тилга олди. Бу йил шахтёрлар ўз аграр секторига шунча миқдорда капитал маблағ ажратмоқда. Кончилар Озиқ-овқат потенциалини кўпайтириш учун агросаноат комплексининг хўжаликлари, корхоналари ва ташкилотлари билан шартномавий муносабатларни кенг ривожлантиришни мўлжалламоқдалар. Масалан, колхозчилар, совхозларнинг ишчилари билан биргаликда чорва мол боқиб семиртирадиган, ем-хашак етиштирадиган ва шу каби кооперативлар ташкил этилмоқчи. Ўзимизнинг озиқ-овқат маҳсулотларимиз ҳажми ошгач, тармоқда уларни қайта ишлаш ва асрашга кўпроқ эътибор берила бошлади.

Ҳозир 28 минг тонна сабзавот ва мева сиғадиган омборлар, музхоналар қурилмоқда, чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлайдиган цехлар қуриш режалаштириб қўйилган.

Сўнгра нотиқ қишлоқ аҳолисини кўмир билан таъминлаш проблемасининг қандай ҳал этилишига тўхталди.

СССР халқ контроли комитетининг раиси **С. И. Манякин**нинг фикрича, ҳам марказдаги, ҳам жойлардаги масъул ходимларнинг интизомсизлиги оқибатида партия билан ҳукуматнинг кўпгина қарорлари бажарилмаяпти.

Нотиқ қишлоқ қурувчилари қишлоқдан эмас, балки район марказлари ва йирик шаҳарлардан «манфаатли» объектларни олиш ҳақида кўпроқ жон куйдираётганликларидан иборат нонормал аҳвол ҳақида ва бу яроқсиз одатга қарши кураш олиб борилмаётганлиги тўғрисида гапирди. У мамлакатнинг кўпгина регионларида қувватларнинг етишмаслиги оқибатида чорвани сўйдириш учун кўп навбат кутиб турилганлиги, чорва моллар вақтида сўйилмай, ориқлаб кетиши сабабли анчагина гўштдан маҳрум бўлинаётганлиги ҳақида гапирди, бу ишда шошилинч чоралар кўриш ва гўшт билан савдо қилишни тартибга солиш зарур, деган масалани ўртага қўйди.

СССР авиация саноати министри **А. С. Сисцов** қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишлаш учун тармоқда асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш программаси ҳақида батафсил гапириб берди. Озиқ-овқат машинасозлиги корхоналарига 180 та янги технология асбоб-ускунаси топширилди. Келгуси йилда 900 та мана шундай асбоб-ускуна топширилади.

М. С. Горбачев. Аполлон Сергеевич, мана шу асбоб-ускуна муносабати билан иккита масала бор — булар сифат масаласи билан нарх масаласи.

А. С. Сисцов. Биз машиналарнинг пишиқ-пухталиги, уларнинг доимий нуқсонсиз ишлашини таъминлашга интилаяпмиз. Нархга келганда, биз заводлар билан ишлаганда нархни ҳеч бир асоссиз оширишга йўл қўймайдиган тарзда шуғулланаяпмиз. Аммо ҳозир асбоб-ускуналар янги даражага мувофиқ яратилмоқда, лойиҳалаштирилмоқда. Улар амалда одам қатнашмайдиган технология асосида, электроника, компьютерлар воситаси билан ишлатилади, улар ғоят серунум ва анча пухтадир.

Қишлоқни барқарорлаштиришда, уни қайта тиклашда қишлоқ мактаби алоҳида роль ўйнайди, деди СССР халқ таълими давлат комитетининг раиси **Г. А. Ягодин**. Афсуски, қишлоқ мактабларининг қисқариш жараёни шу вақтгача ҳам тўхатилгани йўқ.

Мамлакатдаги мактабларнинг бешдан бир қисми яхши комплектланмаган. Шундай шароитда қишлоқда таълим сифати ҳеч қачон нормал мактабдаги даражага кўтарила олмайди. Шошилинч чоралар кўриш керак.

Қишлоқдаги муаллимнинг иш ҳақи шаҳарда қандай бўлса, худди шундай, қишлоқ муаллими агар бир вақтнинг ўзида тўртта синфда дарс берса, унинг ишлаши анча қийин бўлади. Унинг иш ҳақини ошириш керак, албатта.

Маҳаллий кучлар билан кўп иш қилиш мумкин. Баъзи мактаб коллективлари ижарага ер олиб ва юқори ҳосил етиштириб, яхши фойда кўрмоқдалар. Улар ишлаб топилган пулдан ускуналар сотиб олиш, мактаблар қуриш учун фойдаланмоқдалар.

Малакани ошириш — муҳим масала. Бу соҳа контролга муҳтождир. Малакани ошириш шаклан бўлиб қолмасдан, амалда рўёбга чиқарилиши учун ҳар бир одам нимани билиши ва нимани билмаслигини ўзи аниқ тасаввур қилиши керак. Ҳозирги вақтда малакани ошириш ўзига, ҳос қўшимча «сохта топшириқли отпуска»дир.

Министрлигимизга сут саноатини техника жиҳатидан қайта жиҳозлаш вазифаси юклатилган, деди СССР ўрта машинасозлик министри **Л. Д. Рябев**. Ҳозир мамлакатда сутни қайта ишлайдиган тахминан 4200 та корхона бор. Яқин 5—6 йил ичида яна 250—260 та корхона қурилади.

Тармоқ мутахассислари ана шу заводларни лойиҳалаш, уларни ускуналар ва сервис хизмати билан таъминлашнинг бутун туркумини ўз қўлларига олдилар. Ишлаб чиқаришни автоматлаштириш, уни унификациялашда зарур тартиб ўрнатилади.

Ҳозирги пайтда бир сменада беш тонна сутни қайта ишлайдиган кичик завод лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда. 1989 йилдан бошлаб шундай заводларнинг блок типидаги дастлабки ўнлаб комплектлари буюртмачиларга етказиб берилади. Бир сменада 10 тонна сутга дастлабки ишлов берадиган ва уни сақлайдиган пунктлар ва сут қуядиган, творог, сметана ва бошқа бир қанча маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган завод барпо этилмоқда.

Ана шу заводлар қаторида келгусида енгил конструкциялардан бир сменада 25 тонна сутни қайта ишлайдиган сут заводи қурилади ва ниҳоят бир сменада 50 тонна сутни қайта ишлайдиган завод лойиҳалаштирилмоқда.

Фермалар ҳузурида бир сменада 50 ва 230 килограмм пишлоқ ишлаб чиқарадиган кичик-кичик корхоналар қуриш тўғрисида таклиф киритилди. Тегишли таклифлар ҳозирдаёқ СССР Агросаноат давлат комитетига топширилди.

Маҳсулотни қайта ишлайдиган корхоналарда чиқиндисиз ишлаб чиқаришни ташкил этиш имконини берадиган мембрана технологиясини кенг жорий этиш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари, СССР Министрлар Советининг машинасозлик бюроси раиси **И. С. Силаев** бугунги кунда агросаноатда механизациялаш воситалари комплекси тўғрисидаги масала ўткир бўлиб турганлигини таъкидлади. Ҳозир машиналар системасида ишлаб чиқиш ва кўплаб ишлаб чиқариш зарур бўлган салкам 4 минг номдаги машина бор.

Бу муаммоларни бирданига ҳал этиб бўлмайди, энг асосийсини танлаб олиш керак.

Нотиқ янги техникани ишлаб чиқиш ва тайёрлашда кооператив бирлашмалардан фойдаланишга эътиборни қаратди. Биз ҳозирча техника буюртмаларини ҳал этмаётганлигимиз — жиддий масала. Техникага бўлган талаб билан боғлиқ вужудга келган вазият ғоят ташвишланарлидир. Ҳозирги пайтда буюртмалар жуда камайиб кетмоқда ва ҳатто улардан воз кечилмоқда.

Бугун муҳокама қилинаётган программани химиясиз амалга ошириб бўлмайди, деди СССР химия саноати министрининг биринчи ўринбосари **А. Н. Устькачкинцев.** Бу биринчи навбатда материал ресурслар етказиб беришга тааллуқлидир. Масалан, қайта ишлаш корхоналарига кўплаб миқдорда плёнка ва бошқа ўроб материаллари талаб қилинмоқда. Агросаноат давлат комитетининг ана шу материалларга бўлган талаби кескин ошмоқда. Нотиқ полимерлар ишлаб чиқарувчи қувватларни кенгайтириш масалаларига тўхталиб ўтди. Аммо, деди у, полимерлар ишлаб чиқаришнинг ўзи камлик қилади. Уларни яна ўроб материалларига айлантириш ҳам керак.

СССР бинокорлик материаллари саноати министри **С. Ф. Военушкин** ўз нутқида тармоқ олдида турган муаммолар ва қурилиш материаллари етказиб беришни кўпайтириш юзасидан қабул қилинаётган тадбирлар тўғрисида гапирди. СССР Агросаноат давлат комитетининг буюртмасига биноан шиша идишлар, айниқса кичик ҳажмдаги шундай идишлар ишлаб чиқариш кўпаяди. Линолеум, деворбоп материаллар ишлаб чиқарадиган корхоналар қуришга оид программа тузилди. Машинасозлик заводлари санитария техникасига уланди. Биз 1990 йилга бориб ана шу материаллар таңқислигига барҳам берилади, деб ўйлаймиз.

М. С. Горбачев. Сизлар ҳар бир одам магазинга келиб ўзига зарур бўлган нарсани бемалол сотиб олиши учун савдони ана шу маҳсулотлар билан таъминлай оласизми?

С. Ф. Военушкин. Агар биз бундан икки йил аввал 150—180 мингта ванна сотган бўлсак, ҳозир 600 мингта ванна сотаяпмиз. Келгуси йилда бу миқдор 700 мингтага етади.

М. С. Горбачев кенгашга якун ясаб шундай деди: мен учрашувимизни қуйидагича якунлаган бўлур эдим. Ҳаммамиз озиқ-овқат масаласининг аҳамиятини тушуниб турганлигимиз, бу муаммони фақат бутун мамлакат билан биргаликда халқ хўжалиги комплексимизнинг бор кучини жалб этган ҳолда ҳал этишимиз мумкинлигини тушуниш ҳозирча энг муҳим якундир.

Мамлакат халқ хўжалиги комплексига бошчилик қилаётган кадрларимиз психологиясини қайта қурмай туриб, биз озиқ-овқат масаласини ҳал эта олмаймиз, деб ўйлайман. Биз Марказий Комитетда кенгаш ўтказганимизга Министрлар Совети бу соҳада иш олиб бормаётганлиги сабаб бўлмади. Гап бош нарса тўғрисида бормоқда, ўртоқлар. Марказий Комитетда марказий органлар, барча идораларимиз коммунистлари ва раҳбарларига яқин вақт ичидаёқ биз озиқ-овқат соҳасида бурилиш қилишимиз зарурлигини яна бир бор айтишни истайман.

Қарорлар қабул қилинди, ҳамма бу қарорларни маъқуллади ва бажара бошлади. Шу нарсани сезиб турибманки, Госплан йўли билан ҳам агросаноат комплекси йўли томонига структура жиҳатидан муҳим бурилишлар бўлди. Барча қарорлар албатта рўёбга чиқарилиши учун ишни шундай олиб бориш керак. Ҳозирги фикрлашувимиздан кейин шу йилнинг ўзидаёқ имкони бўлган барча ишларни қилиш керак. Ҳар бир министрлик қарорларда белгилаб берилган иш маромини йўлга қўйиши лозим.

Бу борада мен яна бир нарса тўғрисида ўйлаяпман. Иш ҳажми жуда катта, аммо мана шу муҳим ишнинг янада муҳимлари бор. Мамлакатнинг кўпгина районлари учун иқтисодий муносабатларни қайта қуриш асосий масаладир. Ҳа, биз қишлоқнинг, агросаноат комплексининг материал-техника базасидан кўнглимиз тўлмаяпти. Бу ҳали комплекс тусда эмас. Буларнинг ҳаммаси мавжуд шароитдаёқ одамлар янги ишлаб чиқариш муносабатлари доирасида, улар ишларни ўзлари бошқараётган, пировард натижаларни ўзлари планлаштираётган бир пайтда янги ишлаб чиқариш муносабатлари учун курашмоқдалар ва ўзларининг мавқеи ана шундай муносабатлар билан боғлиқ эканлигини биладилар, улар ишни яхши юритмоқдалар. Шунинг учун бизнинг Марказий Комитетдаги дастлабки суҳбатимиз ана шу мавзуга бағишланди ва биз бошқа барча масалаларни орқага сурдик ҳамда бугунги кунда энг муҳими— ижара муносабатлари, қишлоқда ишлаб чиқариш муносабатларини қайта қуриш, дедик. СССР Агросаноат давлат комитети, маҳаллий агросаноат органлари ана шу масалаларни ишлаб чиқиш учун қиш давридан фойдаланишлари керак.

Биз биринчи секретарлар билан тез орада яна бир бор ана шу мавзуда суҳбатлашиб оламиз, токи улар бу ҳаракатни партиянинг кучи билан мустаҳкамласинлар. Ҳозир халқ билан бирга ишлаш керак. Ижара пудратига ҳаддан ташқари зўр бермаслик лозим. Айни вақтда бу борада ўзибўларчиликка ҳам йўл қўйиш мумкин эмас. Ишларни одамлар билан атрофлича иш олиб бориш асосида йўлга қўйиш, энг муҳими эса ана шу иш афзалликларини кўрсатиб бериш даркор. Барча регионларда ҳамма экинлар бўйича намуна қилиб кўрсатса бўладиган масала бор. Бу нарса синаб кўрилди. Қишлоқда ижара муносабатлари ва чуқур хўжалик ҳисобини ривожлантириш тенденциясини янада мустаҳкамлаш учун ҳар томонлама иш олиб бориш лозим.

Шуни рўй-рост айтаманки, ҳозирги ишлар ҳам, келгусидаги ишлар ҳам кўп жиҳатдан мана шу залда ўтирган кишиларга боғлиқдир. Бугунги кунда биринчи навбатда колхоз ва совхозларга янги технологиядаги машиналар системасини, ўғит, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини бериш, маҳсулотни қайта ишлаш масалаларини ҳал этиш зарур. Бу — аграр комплексдаги барча асосий масалаларнинг энг муҳимларидир. Уларни ажратиб олиш ва эътибордан четда қолдирмай ҳал этиш керак. Бу борада ҳамма ишни қилиш зарур. Ҳозир бутун экономиканинг иккита асосий масаласи бор — бу иқтисодий муносабатларни қайта қуриш ва фан-техника тараққиёти эканлигига асосланиш лозим. Келгусига мўлжалланган барча ишларни ҳам назардан четда қолдирмай, асосий муаммолар ўн учинчи беш йилликка таркибий қисм бўлиб киритилиши кераклигини бугунги кунда кўра билиш даркор. Бу борада Госплан айниқса ҳамма нарсани пухта ишлаб чиқиши, эътиборни биринчи навбатда биз юқорида гапириб ўтган технологияга ва маҳсулотни қайта ишлашга қаратиши лозим. Ўн учинчи беш йилликни шундай планлаштириш керакки, агросаноат комплексида комплекс механизация ниҳоясига етказилсин. Бизнинг назаримизда, бунинг учун реал имкониятларимиз мавжуд.

Қишлоқни социал қайта қуриш ҳозир ҳам, келгусида

Инқилоб тенгдошлари ҳақида ҳикоялар

ТАБАРРУК КИШИЛАР

Ҳуррият тонги

Инқилоб қуёши илк ёғдусини таратган кезлар бойу бесмачилар ваҳима гаплар тарқатишди. Эмишки, большевиклар зуғум-зўравонлик қилиб, барчани умумий турмуш кечиришга мажбур этишармиш.... Муштумзўрлар Ғулом Йўлдошев рус қизи Шура Савельевага уйланганда ҳам дағдаға қилишди.

— Ўшани муносиб кўрдингми, кўрнамак, қишлоқдан насибанг узилди,— деди ўзини Қибрайнинг уламоси ҳисоблаган Шодмонбой.

— Большовойлик муборак бўлғай, —писанда қилди Мирза эшон. — Яхшиликча қулоқ эшитмайдиган томонларга равона бўласанми ё шу тўқайда терингга сомон тиқайликми?

— Ўпкангни бос, бойвачча, эски тераклар кесилиб кетган. — Дадил жавоб қайтарди Ғуломжон. — Аҳли Қибрай ўртасида йиғин қиламиз. Одамлар нима дейишса, мен рози.

Эртаси куни халойиқ катта масжид ёнидаги ҳовлига тўпланди. Маърузага Аюбхон эшон чиқди. У қироат билан гап бошлаган эдики, Сайдаҳмад ота кўпчилик орасидан ёриб чиқиб, қўлини баланд кўтарди:

— Халойиқ, ақлимизни йиғиб олайлик. Ҳуррият замони келганидан бери неча қовун пишиғи ўтса ҳамки, эшон ва унинг тарафдорларининг сўзига лаққа тушяяпмиз. Келиб-келиб қадрдонимиз Ғулом Йўлдош ўғлини яккалаб ўтирибмиз. Аюбхондек маккорнинг гапларига ишонманг. Бундайлар қачон қора халққа қайишган?

Ғала-ғовур бошланди. Даврада Ғулом кўрингач, атрофга сукунат чўкди. У қиска гапирди. Большевиклар тарафига ўтишга, эрк учун курашишга даъват этди. Турди Саидаҳмедов, Исҳоқ Исажонов, Раҳим Абдалиев, Обид Рустамов, Юнус Юсупов, Қўшоқ Юнусов, жами 36 нафар йигит данғал ўртага чиққанларида Ғуломжоннинг кўзларида ёш ҳалқаланди. Дин пешволари жуфтакни ростлаб қолдилар.

Шуранинг жасорати

Арғин қишлоғидан Шурани Қибрайга қўқон аравада олиб келдилар. Ғаламислар «кофир тўйига бориш гуноҳ» деб қанчалик ташвиқот юритишмасин, Йўлдош бобонинг ҳовлиси меҳмонга тўлди. Бахт кечаси файзли, бир умрга эсда қоладиган даражада ўтди. Рус фарзанди ўзбек оиласининг турмуш тарзига ўрганди. Хушмуомалалиги, меҳнатсеварлиги туфайли кўпчилик ўртасида обрў-эътибор қозонди.

— Ҳой, опа-сингиллар! — деди Шура бир куни. — Қанчадан-қанча ўзбек хотин-қизлари қора чимматни улоқтириб, ёруғликка чиқдилар. Биз тўрт девор ичида таққиқланиб ўтираверамизми? Далага чиқайлик, эрларимизга мададкор бўлайлик.

— Гапинг тўғри, — далда берди кимдир. — Аммо муштумзўрлар бизни омон қўйишмайди.

— Тушунаман, домла-эшонлар мени турли йўллар билан қоралашга, сизлардан айиришга ҳаракат қилишаяпти. Ахир мен ўзбек хонадонига келин бўлиб тушдим. Энди ҳаммамиз бир одам. Тўғри эмасми?

— Ўзбек қизи бўлганинг чинми? — ҳайратланиб сўради Мавжуда Икромова.

— Бунга шубҳа қилмасангиз ҳам бўлади.

— Бўлмаса бугундан бошлаб сени Ҳурихон деб чақирамиз.

— Розиман.

Ўша куни Шура тун бўйи мижжа қоқмади. Бўлган воқеани Ғуломжонга айтиб берганида йигит қайлиғини яна яқинроқ танигандек бўлди.

Тўқайда барча тўнка кавлаш билан овора. Бир кунда олти таноб ер очилди. Хотин-қизларга ҳам иш топиларди... Шох-шаббаларни бир четга уйиш, ўйдум-чўнқир жойларни текислаш, овқат қилиш дегандек. Аммо қуёш тикка кўтарилди ҳамки, ён атрофда Шурадан бошқа аёл кўринмасди.

— Лақиллатишибди сени, — маъюс деди Ғуломжон.

— Шошилманг, бир сир борга ўхшайди. Билиб келсак қандоқ бўларкин? — дея ҳайқирди Турди.

Унга Шура қўшилди. Улар қишлоққа етиб келганларида эски мактаб биноси олдида тўпланган хотин-қизлар бирин-кетин тарқалишаётганди.

— Тўхтанглар, яна макрга учибсизлар!— ҳайқирди Турди.

— Ожизаларни нопок йўлга бошлама,— ўшқирди Мирза эшон.— Ҳаммангиз ўрис хотиннинг сўзига кириб эсингизни еяпсиз.

— Шунча йўлимизни тўсганингиз етар! Опа-сингиллар, асло чўчиманглар. Далага шошилайлик, қадрдонлар кутиб қолишди.

Биринчи бўлиб Мавжуда Икромова билан Қумри Рўзиматова йўлга тушишди. Бошқалар улар ортидан эргашдилар.

Тўқай чекиниб, экин майдонлари тобора кенгайиб борарди. Хотин-қизлар далага чиқдилар. Уларнинг сафи кун сайин ортиб борарди.

Фожиа

Юлдузлар ёғдуси заминни хира ёритар, тўлин ой бўзариб ботгач, чексиз самода Зуҳро танҳо кўзга ташланди. Қишлоқ аҳли ширин уйқуда. Итлар ҳуриб қолишди. Узоқда шарпа кўринди. У муюлишга етгач, иккинчи уйнинг эшигини тақиллатди.

— Ғулом ака, очинг тезроқ, мен Эломонман. Фалокат юз берди.

Ғуломжон Йўлдошев саросимада унга тикилди. Воқеа бундай бўлган экан: концерт труппаси шаҳарга қайтгач, Светланани уч отлиқ Чирчиқ дарёси томон олиб қочибди. Ғуломжон Турди ва Исҳоқни уйғотиб воқеадан хабардор қилди.

— Вақт кетмасин, Мирзанинг ҳовлисидан хабар олайлик.

Бахтга қарши қўрғонда отлар кўринмасди. Демак собиқ қўрбоши аллақаерда бўридек изғиб юрибди. Отга миниб йўлга тушдилар. Тўртовлон қуёш чиққунга қадар тўқай кезишди. Концерт намойиш қилинган майдон ўртасидан Светлананинг жасадини топишди.

Тўқайдаги олишув

Жасадни чопонга ўраб қайтдилар. Уни Йўлдош отанинг кўрғонида қолдириб, тўғри Мирзанинг ҳовлисига бостириб киришди. Ҳашаматли уйда собиқ қўрбоши пишиллаб ухлаб ётарди.

— Тур ўрнингдан, ярамас, — унинг пешонасига милтиғини тиради Исҳоқ.

— Ўлдирманглар, қизнинг жонига қасд қилганларни тутиб бераман.

Мирза эшон кийинишга тутинди. Кутилмаганда девордан ошиб, тўқай томонга қочди. Йигитлар бутазорни ағдар-тўнтар қилишди. Маккор эшон шериклари қўйган пистирмага ҳаллослаб яқинлашар экан, жон ҳолатда бақирди:

— Ўт оч, ношукрларни мажақла!

Тун бўйи қайфу сафодан бўшамаган икки бесмачи донг қотиб ухлаб ётарди. Ғуломжон шериклари билан ёвузларга ташланишди. Учовининг қўлларини боғлаб, шаҳарга ҳайдаб кетдилар.

Фуқаро ҳаётига раҳна солган муштумзўрлар тўдаси тугатилди. Одамлар енгил нафас ола бошлашди. Биринчи ташкил этилган «Темирқадам» колхози ривожланиш йўлига кирди. Яна бир унутилмас воқеа — комсомол ячейкаси тузилди. Бозорбой Рўзиматов, Миржалил Шомирзаев, Жўра Пўлатов, Шарофат Ғозиева сингари 60 нафар йигит ва қиз унга бирлашдилар.

Мардлар майдонда

Наврўз яқинлашган сайин ён атроф тобора гўзаллашиб борарди. Қибрайдан Чирчиқ дарёсигача чўзилган тўқайзорда сайроқи қушлар хониши авжига чиқа бошлади. «Парзон» трактори деҳқон дилини қувнатиб, шиддат билан ишлайди. Уни моҳирлик билан бошқараётган Ғулом Йўлдошев ҳар қарич ерни назардан қочирмасликка ҳаракат қилади.

Апрелнинг ўрталарида чигит экишга киришилди. Иш охирлаганда заршунослар ҳузурига республика оқсоқоли Йўлдош Охунбобоев ташриф буюрди. У далаларга меҳр билан тикилди. Ниш ураётган чигитга кўзи тушди-ю, юзига табассум югурди. Сўнг одамларнинг яшаш шароити, орзу-армонлари билан танишди.

— Деҳқон турмушини яхшиламай туриб, олға силжиш мушкул, — вазмин оҳангда таъкидлади ота. — Халқнинг саводини тезроқ чиқаришга эришмоқ керак. Хўш, пахтадан қанча ҳосил олишни мўлжаллаяпсиз?

— Гектаридан 130 пуддан, — деди Ғуломжон.

Йўлдош Охунбобоев яна учрашишга ваъда бериб, қўшни қишлоққа ўтиб кетди. Биринчи йилиёқ қаттиқ меҳнат қилинди. Мўлжалдагидан кўп ҳосил етиштирилди. Ҳал қилувчи паллада тўла сафарбарлик таъминланди. Халқ жасорати туфайли план муддатидан илгари бажарилди.

Озод меҳнат туфайли асрий орзусига эришаётган деҳқонларнинг яна тинчи бузилди. Фашист газандалари Ватанимиз тупроғига хиёнаткорона бостириб кирдилар. Урушнинг дастлабки кунларида юздан ортиқ қибрайлик мард ўғлонлар фронтга жўнашди. Далаларда ҳам чинакам кураш борарди. Қиз-жувонлар, нуронийлар, ёшлар шу ердан туриб фашизмга ўқ ёғдирдилар. Уша машаққатли йилларда халқимиз ўз садоқатини қайта-қайта намойиш қилди. Ўзбекистон буюк Ғалабага муносиб ҳисса қўшди. Серкуёш диёрнинг қанчадан-қанча фарзандлари Октябрь ғалабаларини ҳимоя қилиш йўлида қаҳрамонларча ҳалок бўлдилар. Фронтга жўнаган алп йигитлардан Ғулом Йўлдошев, Турди Саидаҳмедов, Исҳоқ Исажонов, яна бармоқ билан санарли кишиларгина омон қайтишди.

Оржоникидзе район Қибрай посёлкасидаги Беруний номли маҳалла комитетининг раиси Исҳоқ бобо Исажонов билан суҳбатлашиб ўтирибмиз.

— Туриш-турмушимизга бир назар ташланг, — дейди нуроний, — қўйни-қўнжим тўлиқ. Фарзандларим, невараларим ҳамкор, мададкор. Уларнинг камолини кўриб, дилдан қувонаман. Булар Октябрь туфайли.

Яқинда ажойиб дўстим Ғулом Йўлдошевни сўнгги йўлга кузатдик. Бундай табаррук кишилар номи миннатдор авлодлар ёдида мангу барҳаёт! Ўзим эса ҳанузгача тиним билмайман. Ярим аср тракторни бошқарган киши уйда хотиржам ўтира олармиди. Ветеранларни ёнимга олиб, Оржоникидзе номли совхоз боғларида ноз-неъмат йиғиштирдик. Ерни эъзозладик.

Ҳа, очеркимиз қаҳрамонлари — асл инқилобчилар, бугунги кунда улар бахтиёр ҳаёт кечиришмоқда.

Тўлқин ЭШБЕКОВ.

Жиззах район матлубот жамиятига қарашли «Нуроний лар чойхонаси» оқсоқолларнинг севимли масканига айланди. Хушманзара ва сўлим боғ қўйнида жойлашган умумий овқатланиш муассасаси уч йилдан буён ишлаб турибди. Отахонлар моҳир пазанда И. Ҳамидов хизматидан мамнун бўлмоқдалар.

СУРАТЛАРДА: 1. Чойхонанинг умумий кўринниши. 2. И. Ҳамидов хизматда.

Ш. ТУРАЕВ фотолари.

ШУКРОНА

Ургут шаҳрида яшовчи Қаҳрамон она Муаттар Жамолова ҳаётидан лавҳа

У билан учрашиб, суҳбатлашиш иштиёқи пайдо бўлганда кўз олдимда ўн икки фарзандни тарбиялаб, вояга етказган, сочлари қордай оппоқ онахон сиймоси гавдаланди. Лекин байрам арафасида унн табриклагани Энгельс кўчасидаги 7-уйга кириб борганимизда, бутунлай бошқача манзарага дуч келдик. Ҳовли ўртасидаги чорпояда невараларн даврасида чеҳрасидан нур ёғилиб, ширин суҳбат қуриб ўтирган аёлни кўрдик.

— Муаттар опа, яхшимисиз? — деди ҳамроҳим, 1-ўрта мактаб ўқитувчиси Кубарро Фаттоқулова.

— Келаверинг, айланай, келаверинг!

— Меҳмон бор.

— Меҳмондан айланай, уйимизнинг тўри сизларники, Ҳой, келинлар! Ҳидоят, Ҳусниянон, қоқиндиқлар, чой қўйиб юборинглар!

Онахоннинг тилидан бол томар, қувонганидан ўзини қўярга жой тополмасди. Нигоҳим бир дақиқа ширинсухан онахоннинг қулиб турган кўзларига, қип-қизил ёноқларига қадалди.

Чой устида суҳбат мавзуи Муаттар опанинг сермазмун ҳаёт йўлига кўчди.

— Укажон, сизга нимаям десам экан, — деди у ўтмиш ҳақида ўйларкан, — 1927 йилда Ургутда туғилганман. Тўлиқсиз ўрта маълумот олганман. Сўнгра турмушга чиқдим. Фазлиддин акангизни танисангиз керак, горПОга қарашли магазинда ишлайдилар, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси. У киши билан оғир дамларни бошимиздан кечирдик. Фронтдан жароҳатланиб қайтдилар. Кейин тўйимиз бўлди, фарзандлар туғилди. Тўнғичи Маҳбубаой оилали. Ҳозир район аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бошқармасида тикувчи.

Иккинчимиз Марҳабохон район халқ маорифи бўлимида, ундан кейингиси Мавлуда ва Феруза М. Горький номли колхоз аъзолари. Адолатой Душанбеда яшайди. У ота касбини ардоқлади. Қизимиз Дилбар Ургутда туради, уй бекаси. Ҳой, келинлар, нечтасини санадим-а? — У кулиб қўйди ва қўшимча қилди:— Ҳа, тўртта ўғилдан кейин яна қизларим ҳақида гапириб бераман. Катта ўғлим — Баҳриддин Жданов номли қишлоқ матлубот жамиятида сотувчи бўлиб ишлайди. Жамолиддин район матлубот союзида хизмат қилади. Сувонқул Ургут автомат-телефон станциясида инженер. Ундан кичиги Содиқжон шойи тўқиш фабрикасида мастер.

Энди яна қизларим ҳақида: Маҳфуза ва кенжамиз Нигора ҳозирча уй бекалари.

Пири-бадавлат оилага ҳавас билан боқаман. Оилада меҳр-оқибат, тотувлик ҳукмрон. Ҳовли саранжом-саришта. Тўй-ҳашамлар, байрамларда оила аъзолари тўпланишса, ҳовли нурли чеҳраларга тўлиб кетади...

М. ҲАСАНОВ.

СПОРТ ахборот

БОЙ БЕРИЛАЁТГАН МАВҚЕ

Эркаклар ўртасидаги бу йилги мамлакат биринчилигида (чим хоккейи) республикамиз вакиллари мухлислар кутганидек иштирок этишмаяпти. Жумладан ўтган чемпионатларда бир неча бор совринли ўринларни эгаллаган Андижоннинг «Звезда» командаси айни пайтда ўйинлар жадвалининг еттинчи поғонасида турибди. Улар шу вақтгача ўн етти учрашув ўтказдилар. Унинг саккизтасида ғолиб чиқиб, тўққизтасида мағлубиятга учрашди.

Фарғонанинг «Химик» ва Ленинскнинг «Старт» командалари эса охирги ўринларда боришяпти. «Старт» ўтган турда мавсумдаги иккинчи ғалабани қўлга киритди. Бунда улар Васильковнинг «Искра» командасидан устун келдилар — 1:0. Фарғоналиклар эса ўз майдонларида Москванинг «Фили» коллективига ютқазишди — 2:3.

«Звезда» — «Университет» (Черновци) матчи андижонликларга ғалаба келтирди — 1:0. Бошқа учрашувлар натижаси: «Раздан» (Раздан) — «Волна» (Ленинград) — —2:1, «Азинефтехим» (Боку) — «Волга» (Ульяновск) — 1:2.

Ўйинлар жадвали

	У	О
«Динамо» (Олмаота)	17	28
СКА (Свердловск)	17	26
«Раздан» (Раздан)	16	22
«Волна» (Ленинград)	17	18
«Азинефтехим» (Боку)	17	18
«Фили» (Москва)	17	16
«Звезда» (Андижон)	17	16
«Волга» (Ульяновск)	17	16
«Искра» (Васильков)	17	14
«Университет» (Черновци)	16	12
«Химик» (Фарғона)	17	10
«Старт» (Ленинск)	16	4

СОВРИН БИЛАН ҚАЙТИШДИ

СССР терма командаси волейболчилари Япония кубогини қўлга киритдилар. Йигитларимиз финалда Сеул олимпиадаси чемпиони — АҚШ командасини мағлубиятга учратдилар — 3:2.

Учинчи ўрин учун Аргентина ва Япония волейболчилари ўзаро куч синашдилар. Бу учрашувда 3:0 ҳисобида ғолиб чиққан аргентиналиклар учинчи ўринни эгаллашди.

Бугун Япония кубоги учун хотин-қизлар командалари кураш бошлайдилар.

КУРАШ КЕСКИН

Мамлакат чемпионатининг олий лигасида айниқса иккинчи, учинчи ўринлар учун кескин кураш бораяпти. Куни кеча шу ўринга даъвогарлар сафарда ўйин ўтказдилар. «Спартак» командаси футболчилари Вильнюсда «Жальгирис»нинг меҳмони бўлди. Ўйинни уюшқоқликда ўтказган мезбонлар 2:0 ҳисобига ғалаба қозондилар.

Пойтахт автозаводчилари Тбилисида маҳаллий «Динамо» командасини 1:0 ҳисобида енгиб, муҳим икки очкони қўлга киритдилар.

ҒОЛИБЛАР САФИДА

Касаба союзлари кўнгилли физкультура ва спорт жамиятининг Бутуниттифоқ биринчилигида асосан ёш самбочилар иштирок этдилар. Таъкидлаш жоизки, бу мусобақада республикамиз вакили, урганчлик Д. Қаландаров (100 килограммдан зиёд вазнда) ҳурмат шоҳсупасининг юқори поғонасига кўтарилди. Давронбек саралаш босқичидаги тўрт беллашувда ғолиб чиққач, финалда донецклик халқаро классдаги спорт мастери И. Топаловни енгди.

Самарқандлик Собир Ҳусанов (48 килограммгача вазнда) кумуш медални қўлга киритди.

ХРОНИКА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Ўзбекистон ССР Агросаноат давлат комитети раисининг ўринбосари ўртоқ Ғулом Набиевни Ўзбекистон ССР министри вазифасидан озод қилди.

ИККИ ХУШХАБАР

ЖАРҚЎРҒОН. Қурилиш конструкциялари комбинати ходимлари Улуғ Октябрнинг 71 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олмоқдалар. Жуманазар Тошпўлатов ва Қўзимурод Муқимов бошлиқ бригадалар тайёрлаган ДСБУ-85 типидаги силикат блоклардан йил бошида кўзда тутилганидан бир неча бор кўп турар жой бинолари бунёд этиш мумкин. Бригадаларнинг бири топшириқдагидан 250, иккинчиси эса 50 кубометр кўп иш бажарди.

Жорий йилнинг ўзидагина Сурхон — Шеробод чўлларида КСК маркали юзлаб йиғма уйлар бунёд этилади.

* * *

САРИОСИЁ. Ҳар йилгидек мўл ҳосил етиштирган «Дашнобод» совхози боғбонлари айни кунларда мажбурият ҳисобига маҳсулот топшираяптилар. Улар бу йил аҳоли дастурхонига машҳур анорларидан ташқари 4.300 тонна (пландагидан 500 тонна кўп) узум ҳадя этдилар. Унинг 4 минг тоннаси умумиттифоқ фондига жўнатилди.

Йиллик маррадан ўзган азаматлар давлатга яна 800 тонна мева топшириш учун курашаяптилар.

Н. СУЛАЙМОНОВ.

АЁЛЛАР ГУРУНГИ

«Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» совхозида (Каттақўрғон райони) рангбаранг программада маданий ва маиший тадбирлар ўтказиш аньанага айланган. Бу ерда бўлиб ўтган оила, одоб, ахлоқ мавзуидаги аёллар гурунги ҳам иштирокчиларда яхши таассурот қолдирди.

— Дориломон замонда яшаяпмиз, — дейди Қаҳрамон она Ҳалима Асророва. — Айниқса, қизларимиздан мамнунмиз. Улар янги ерлар очишда, боғ-роғлар барпо этишда эркаклар билан ёнма-ён меҳнат қилмоқдалар. Лекин баъзилари ўзларига зеб беришга одатланган. Аввало ана шундайларни тарбиялашга эътибор қилишимиз лозим.

Шундан сўнг баҳс яна жонланди. Биринкетин сўз олган Қаҳрамон оналар — Мавлудахон Қосимова, Холичахон Насриддинова, Раҳматхон Шохўжаева рўзғор тутиш, қайнона-келин, ёш келин-куёв ўртасидаги муносабат ҳақида гапирдилар. Мулоқот ниҳоясида Поромон қишлоқ Совети раиси Муллахўжа Ризаев, унинг муовини Ҳакимахон Қосимова оила, никоҳ, ёшлар турмушини мустаҳкамлашга оид қимматли фикрлар билдирдилар.

А. АСРОРОВ,
А. ТУЙЧИБОЕВ.

Кейинги пайтларда кўплаб газетхонлар «Правда»га хат йўллаб, Ю. Чурбанов ва ички ишлар органларининг бошқа собиқ масъул ходимлари устидан бўлаётган суд жараёни қандай бораётганлиги ҳақида ҳикоя қилиб беришни сўрамоқдалар. Мухбиримиз уларнинг шундай саволлари билан СССР Бош прокурорининг ўринбосари А. Ф. КАТУСЕВга мурожаат этди.

СССР ПРОКУРАТУРАСИДА

ҚОНУН МАНТИҚИ ҚАТЪИЙДИР

— Матбуотда хабар қилинганидек, — жавоб берди Александр Филиппович. — Чурбанов ва бошқаларга нисбатан қўзғатилган жиноий иш кўриб чиқиш учун СССР Олий судининг ҳарбий коллегиясига юборилган. Ишни кўриб чиқиш давом этмоқда. Ўйлайманки, у тамом бўлгач, оммавий ахборот воситалари суд қарори ҳақида сўзлаб беради.

— Маълум бўлган ахборотга кўра ички ишлар органлари ходимлари устидан ўтаётган жараён, таъбир жоиз бўлса, Ўзбекистондаги порахўрлик тўғрисидаги китобнинг атиги битта бобидир. Газетхонлар терговчилар республикадаги ишларни давом эттиришаяптими, бу катта иш бўйича прокуратура қандай янгиликларни маълум қилиши мумкин, деб сўрашаяпти.

— Дарҳақиқат, Чурбановга қўйилган айблов юзасидан иш бир пайтлар Ўзбекистонда авж олиб кетган порахўрлик тўғрисидаги жуда кўплаб ишларнинг биридир. Жиноий жавобгарликка тортилган айрим шахслар ҳукм қилиб бўлинди. Масъулиятли мансабларда бўлган бошқа шахсларга нисбатан олиб борилаётган дастлабки тергов якунланиш босқичида турибди. Қонунга биноан ушбу ишларни судга ошириш тўғрисидаги масала ҳал этилади. Бу тўғрида прокуратура вақти келиб оммавий ахборот воситаларини хабардор қилади. Бунга қўшимча тарзида шуни айтиш мумкинки, терговчилар группаси региондаги жиноятларни текшириш бўйича жуда тиғиз ишларни давом эттирмоқда. Яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг собиқ биринчи секретари И. Усмонхўжаев, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг собиқ раиси О. Салимов, Бухоро ва Самарқанд область партия комитетларининг собиқ биринчи секретарлари И. Жабборов ва Н. Ражабов қамоққа олиндилар.

— Ҳа, айтгандек, Александр Филиппович, баъзи ўқувчилар газета суд бўлмасдан туриб қамоққа олинганларни маълум қилиш билан айбсизлик презумпцияси принципини бузаяпти, деб ҳисоблашмоқда. Сизнинг фикрингизча, бу гап қанчалик асосланган?

— Айбсизлик презумпцияси дастлабки тергов ва умуман бутун суд ишларининг асосий принципи ҳисобланади. СССР Конституциясига мувофиқ ҳеч ким қонунга биноан суд ҳукми чиқмасдан олдин жиноят қилганликда айбдор ҳисобланмайди, шунингдек, жиноий жазога тортилмайди. Бу талаб ҳамма учун, шу жумладан, газета ходимлари учун ҳам мажбурийдир. Бироқ бу ўринда биз қамоққа олинганларнинг фамилияларини айтиб, қонунни бузганимиз йўқ. Негаки, биз уларнинг айбдорлиги ҳақидаги масалани олдиндан ҳал этганимиз йўқ. Улар айбдорми ёки айбсизми — буни суд ҳал қилади. Шу билан бирга қонун терговчи зиммасига агар етарли даражада далиллар мавжуд бўлса, у ёки бу шахсга жиноят қилишда айб қўйиш вазифасини юклайди. Улар қонунга биноан тўпланган далилларни баҳолаб, ишнинг барча жиҳатларини ҳар томонлама, тўла-тўкис ва объектив равишда кўриб чиқиш асосида вужудга келган ички ишончларига кўра, Усмонхўжаев, Салимов, Жабборов ва Ражабовга порахўрликда айб қўйдилар.

— Газетхонларни, эҳтимол, қамоққа олинганларнинг батафсил қилмишлари ҳамда терговнинг бориши қизиқтирар. Сиз бу ҳақда нималар дея оласиз?

— Бу ниҳоятда қалтис масала. Кейинги пайтларда баъзи гражданлар ва ҳатто ташкилотлар коллективлари томонидан терговда турган у ёки бу иш тўғрисида батафсил маълумот бериш илтимос қилинган сўровлар олинмоқда. Бундай илтимосларни бажаришдан бош тортганимизда биз, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларини ошкораликни бўғувчилар деб аташмоқда. Аммо бундай эмас. Биз — ошкоралик тарафдоримиз. Бироқ ошкоралик объективлик ва қонунчиликка зид бўлмаслиги керак. Гап шундаки, дастлабки тергов ҳақидаги маълумотларни ошкора этиш ишни текшириб кўришга зарарли таъсир кўрсатиши, тергов қайси йўлдан бораётганлигини маълум қилиб қўйиш имкониятини бериши мумкин. Баъзан эса тергов маълумотларини барвақт ошкора этиш айбдорга нисбатан ҳам зарар келтириши мумкин. Бу нарса айниқса терговда турган ишнинг моҳиятини ва жамоатчиликнинг нотўғри фикрини вужудга келтирувчи шов-шув кўтарадиган мақолаларга оиддир. Дастлабки тергов материаллари терговчи ёки прокурорнинг рухсати билангина ошкора қилиниши мумкин. Бунда улар бу маълумотларни ўзлари истаган тартибда ва ҳажмда беришга ҳақлидирлар. Ниҳоят, маълумот учун шуни айтишим мумкинки, қонун тергов сирларини ошкора қилганлик учун ҳам жиноий жавобгарликка тортишни кўзда тутади. Мен прокурор сифатида ҳозир Усмонхўжаев ва бошқаларнинг иши юзасидан батафсил бирон-бир нарса дейиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайман.

— Ва, ниҳоят, газетхонлар ҳали бермаган, лекин унинг нима ҳақда эканлигини осонлик билан пайқаб олиш мумкин бўлган саволга келайлик. Гап шундаки, яқинда «Известия» газетасида «Порахўрлик» мақоласи босилди. Унда айтилишича, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг собиқ раиси Ё. Насриддинова пора олган экан. Бироқ юксак мартабали ҳомийлар турғунлик йилларида унга жиноий жавобгарликдан қутулиб қолиш имконини беришган...

— Фақат шуни маълум қилишим мумкинки, СССР Прокуратураси «Известия»да бу мақола эълон қилинмасдан анча олдин ўша терговни қайта тиклаш тўғрисида қарор қабул қилган. Тергов жараёнида бу ишнинг барча жиҳатлари текшириб кўрилади.

— Суҳбат учун раҳмат. Ўйлайманки, у жиноят муқаррар равишда жазосиз қолмаслигини яна бир карра тасдиқлаб турибди.

Г. ОВЧАРЕНКО.

(«Правда», 1988 йил 3 ноябрь).

Редактор
А. Ғ. МУХТОРОВ.

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»— «СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана
Выходит на узбекском и русском языках.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари —33-44-43, 32-56-21, 33-16-27, 32-54-41, Масъул секретарь — 33-09-93, 32-56-26. Секретариат — 32-56-25, 32-54-48, 32-54-47. Партия турмуши бўлими —33-54-33, 32-56-22. Совет қурилиши бўлими —32-56-34. Деҳқончилик бўлими —33-54-33. 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими —32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими —32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 32-56-39. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46, 32-56-39. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими —32-54-52. Таржима бўлимлари —32-56-31, 32-54-54, 32-54-55, 32-56-28. Иллюстрация бўлими — 32-58-79. Эълонлар бўлими —33-81-42.

Р 17759. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. А. 2136. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12